

Ўзгариш кўчаларни эмас, муносабатларни ҳам янгилайди

2-с.

“Аёлнинг қўлида касб, қалбида умид ва олдида аниқ мақсади бўлсин...”

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2026 ЙИЛ
3 ОКТЯБРЬ,
ШАНБА

Mahalla

№80
(2408)

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ БУЮРТМАЧИСИГА АЙЛАНАДИ

БУГУНГИ СОНДА:

Тарбиядаги йўқотишлар ўрнини жарима билан тўлдириш мумкинми?

Фарзандининг телефонини текшириш — назорат. Аммо унинг ким билан дўстлашаётганини тушуниш — эътибор. Мактабга борган-бормаганини сўраш — назорат. Нега мактабга боришни истамай қолаётганини билиш — ғамхўрлик. “Қаерда эдинг?”, деб сўраш — назорат. “Нима бўлди, менга айтишинг мумкин”, дейиш — ишонч.

4-с.

Бир яхшиликнинг мингта кўзи бўлиши шартми?

Саховат билан мақтанишнинг орасида жуда нозик, аммо муҳим бир чегара бор. “Мен ёрдам бердим”, “мен совға қилдим”, “мен фалончининг муаммосини ҳал қилдим”, деган гаплар кўпайгани сари яхшиликнинг марказида ёрдам олувчи эмас, ёрдам берувчининг ўзи пайдо бўлиб қолмаяптимикан?

6-с.

Виждонимиз қиймати бир чипта нархича йўқми?

Жамоат транспортидаги маданият фақат кексага жой бериш ёки бошқаларга ҳурмат билан муносабат кўрсатиш билан чекланмайди. Аввало, ўз қадр-қимматини билган киши зиммасидаги мажбуриятларни ҳам тўла-тўкис адо этиши зарур. Арзимаган пулни тежаб қолиш орқали ҳеч ким бойиб қолмаслиги аниқ бўлгани каби йўл ҳақини тўлаш билан даромадимиз ҳам камаймаслиги шубҳасиз.

7-с.

БИЗНИ ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА КУЗАТИНГ!

@mahalla_raislari
@mahalladosh_1
@mahalladosh

Газетанинг телеграмдаги «uzmahallabot»ига ўтиш учун QR-кодни сканерланг!

ТАШАББУС



“ЯШИЛ МАКОН”ДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ:

МАСЪУЛИЯТ, ИМКОНИЯТ ВА МАБЛАҒ МАҲАЛЛАДА БИРЛАШАДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси таклифи асосида 2026 йил 1 октябрдан республикамизда тозалик ва озодалик долзарб икки ойлиги бошланди.

Давлатимиз раҳбарининг **“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда маҳаллалар ролини кучайтириш ва ҳудудларнинг яшиллик даражасини тубдан оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони** мазкур ташаббуснинг ҳуқуқий асоси саналади. Бу жараёнда фақат кўчат экиш сонини кўпайтириш билан чегараланмайди. Яшил ҳудудларни олдиндан белгилаш, ерни тайёрлаш, кўчат захирасини яратиш, уларни экиш ва парваришлашни тизимли ташкил этиш орқали ҳар бир маҳаллада яшил муҳит яратилади.

Фармонга асосан, лойиҳа доирасида ҳар бир маҳаллада **ҳар бир одам учун 3 та дарахт, 30 фоиз дарахт сояси, 300 метр атрофида** яшил ҳудуд бўлишини таъминлашни назарда тутувчи **“3-30-300” халқаро стандарти** жорий қилинади. Яшил боғлар ва яшил жамоат парклари сони **2030 йилга қадар 1 023 тага** етказилади, шундан **2026 йилда 257 та** яшил боғ ва жамоат парклари яратилади.

Долзарб икки ойлик доирасида илк маротаба ҳудудларнинг иқлим шароити ҳисобга олиниб, кўчат ва буталарни экиш мавсуми аниқ саналар билан белгилаб берилди. Унга кўра, **1 ноябрдан** — Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида, **5 ноябрдан** — Бухоро ва Навоий вилоятларида, **10 ноябрдан** — Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида, **20 ноябрдан** — Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида кузги мавсум бошланади.

Давоми 2-саҳифада.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

ФИКР ТАШАББУСГА, ТАШАББУС АМАЛГА, АМАЛ ЭСА НАТИЖАГА АЙЛАНМОҒИ ШАРТ!

Давлатимиз раҳбарининг 18-19 сентябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи қувончи ҳали-ҳануз маҳаллаларни тарк этгани йўқ. Қай бир киши билан гаплашманг, албатта, Президентимизнинг сафари таассуротлари билан ўртоқлашади, ташриф доирасидаги ташаббуслардан сўз очади.



Фақат аҳоли вакиллари эмас, маҳалла раислари, “еттилик” аъзолари, фаолларда ҳам шундай кайфият ҳукмрон. Ҳар биримиз давлатимиз етакчиси белгилаб берган вазифалардан келиб чиқиб, фаолиятимизга қайта назар ташладик, режа ва ташаббусларимизни самарадорлик нуқтаи назаридан яна бир карра чиғириқдан ўтказдик. Одамларга янада яқин бўлиш, уларнинг дарди ва муаммоси билан яшаш, уларга ечим топиш маслагини ўзимизга сингдирдик.

Узоққа бормайлик, бундан беш йил муқаддам маҳалламизнинг айрим ҳудудлари бугунги манзарадан буткул фарқ қиларди. Ташландиқ жойлар, эскирган инфратузилма, ободонлаштиришни талаб қиладиган кўчалар бор эди. Кўплаб камчиликлар йиғилиб қолгандики, уларнинг ечими бизни туну кун ўйлантирарди. Бугун эса бу ерда янги уйлар қад ростлаб, кўчалар ободлашиб, одамларнинг турмуши учун зарур барча шароитлар яратиляпти.

Давоми 2-саҳифада.



“MAHALLA” ФИКРНИ БОЙИТАДИ, ЁНДАШУВНИ ЯНГИЛАЙДИ

Руслан ҚЎЧҚОРОВ,
Хонқа туманидаги “Истиқлол” маҳалласи раиси:

— “Mahalla” — мен учун шунчаки ўқиладиган нашр эмас. Раис сифатида ҳар куни турли масала, турли тақдир ва турли муаммога дуч келаман. Газетани ўқиганда эса ўз фаолиятимга бошқа маҳаллалар тажрибаси орқали яна бир бор назар ташлайман. Айниқса, маҳаллада муаммони ҳал этишдаги ёндашувлар ва натижалар ҳақидаги мақолалар менга янги фикр беради. Баъзан бир мақоладаги оддий бир тажриба биздаги муаммони ҳал қилиш учун керакли ғояга айланиши мумкин.

Газетанинг яна бир муҳим жиҳати — уни “еттилик” билан бирга ўқиш мумкинлиги. Ҳар бир ходим фаолияти ёритилаётгани учун мақолаларни биргаликда муҳокама қиламиз, “бизнинг маҳаллада буни қандай қўлласак бўлади?”, деган фикр устида ишлаймиз. “Mahalla” газетаси шу маънода “еттилик” учун ҳам тажриба, ҳам фикр, ҳам ишга туртки беради. Шу боис 2027 йил учун биринчилар қаторида обуна бўлдим.



5

“Профилактик суҳбат, бу — мажлисбозлик, дегани эмас”



8

Ҳар бир зарбаси ақлга, аниқликка асосланган



Сардоба туманидаги “ХАЛҚОБОД”, “ҚУЙИТОШ”, “НАВРЎЗ” ва “ФАЙЗЛИОБОД” маҳаллаларида янгиланган 26 та кўчага пресс-тур ташкил этилди.



ДАНҒАРА ТУМАНИДАГИ “УЙМОВУТ” МАҲАЛЛАСИДАГИ 500 та хонадонни тоза ва сифатли ичимлик сув билан таъминлаш лойиҳасини амалга оширишга киришилди.



ХИВА ТУМАНИДАГИ “ИСТИҚЛОЛ” МАҲАЛЛАСИДА аҳоли мурожаатларини ўрганиш мақсадида сайёр қабул ўтказилди.

ТАШАББУС

“ЯШИЛ МАКОН”ДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ: масъулият, имконият ва маблағ маҳаллада бирлашади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Мансурбек ШЕРБЕКОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бош мутахассиси.

ЭКОЛОГИЯ ЖАРИМАЛАРИ МАҲАЛЛАГА ЙЎНАЛТИРИЛАДИ

*Президент фармони билан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини **маҳалла даражасида** амалга оширишнинг янги тартиблари ҳам йўлга қўйилади.*

2027 йил 1 январдан **“Яшил маҳалла” лойиҳаси** доирасида **“Маҳаллани яшиллаштириш” пакети** жорий этилиб, ҳар бир маҳаллага **ўрмончи-мураббий ходим** бириктирилади. Улар **“маҳалла еттилиги” аъзоларини** экиш мавсуми бошланишидан олдин бир маротаба қисқа ўқув курсларида ўқитади.

“Маҳалла еттилиги” аъзолари маҳалладаги экиш учун бўш майдонлар, сув манбаларини ўрганиб, “Маҳаллани яшиллаштириш” пакети учун буюртмани шакллантиради ва кўрсатилган хизматлар ҳисобини юритади. Фуқароларга экиш, сугориш, парваришлаш, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш усуллари тўғрисида маълумот бериб боради.

“Маҳалла — ислоҳотлар буюртмачиси” тамойили асосида қуйидаги маблағлар **Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси тақсимотига асосан, ҳар бир маҳалла учун Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасига** ўтказиб берилади:

• ***экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш*** *соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун ундириладиган жарима маблағларининг **90 фоиз қисми;***

• *атроф табиий муҳит ифлослантирилгани ва чиқиндилар жойлаштирилгани учун компенсация тўловларининг **республика бюджетига йўналтирилган қисми.***

Шунингдек, Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси маблағларининг **камида 30 фоизи** “Маҳаллани яшиллаштириш” пакетини амалга оширишга сарфланади. Маблағлар Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида янги очиладиган **“Яшил маҳалла” жамғармаси** орқали қайта тақсимланади.

“Маҳаллани яшиллаштириш” пакети тўрт турдаги хизматларни ўз ичига олади:

• *дарахт ва бута кўчатларини етказиб бериш;*

• *дарахт ва буталарни касалликлар ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш;*

• *органик ўғитлар ва мульча билан таъминлаш;*

• *тежамкор сугориш воситалари билан таъминлаш.*



МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗ МИКРОЎРМОНИ БЎЛАДИ

*Фармонга кўра, 2026 йил куз мавсумидан ер майдони чекланган маҳаллаларда, кўп квартирали уйлар оралиғида, мактаб ва боғчалар ҳовлиларида **маҳалла микроўрмонлари** ташкил этилади. Ер ажратиш имконияти бўлмаган ёки бетон ва асфальт қопламали ҳудудларда жамоатчилик кичик боғлари яратилади.*

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда **жамоатчилик иштироки кучайтирилади ва рағбатлантирилади.** Аҳолининг яшил боғларни яратиш бўйича талаб ва таклифларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2027 йил 1 январдан бошлаб, **“Яшил лот” тизими** жорий этилади. Бунда мавжуд ер участкалари жисмоний ва юридик шахсларга **шартнома асосида ном бериш орқали** яшил боғ барпо этиш учун ажратилади.

2026 йил 1 ноябрга қадар Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида ҳар бир маҳаллада ташкил этиладиган маҳалла боғларини онлайн кузатиш имкониятини берувчи ситуацион марказ ташкил қилинади.

Сирасини айтганда, Президент фармонининг асосий моҳияти “Яшил макон”нинг янги босқичида кўчат экишни маҳалла ҳаётининг доимий маданиятига айлантиришдадир. Бугун экиб, эртага ташлаб қўйилган кўчат яшил ҳудуд яратмайди; унинг қиймати йиллар давомида парваришланганида, соясида одамлар баҳраманд бўлганида намоён бўлади. Шу боис энди ҳар бир маҳалланинг яшиллиги яратилган муҳитнинг сифати, дарахтларни асраш масъулияти ва аҳолининг бу жараёндаги иштироки билан баҳоланади.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

Фикр ташаббусга, ташаббус амалга, амал эса натижага айланмоғи шарт!



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Гулнур ОТЕМУРАТОВА,
Нукус шаҳридаги “Гоне қалъа” маҳалласи раиси.

Маҳалламизда 7 қаватли 10 та уйнинг фойдаланишга топширилиши кўплаб оилаларга янги умид ҳам берди. Мавжуд 28 та кўчанинг 18 таси асфальтланди, эски сув қувурлари ва ёритиш тизимлари янгиланди, учта трансформатор ўрнатилди. Болалар учун ўйингоҳлар барпо этиляпти. Буларнинг ҳар бири одамларнинг кундалик ҳаётини енгиллаштиришга хизмат қилаётир.

Бу саъй-ҳаракатларнинг иқтисодий асоси ҳам яратиб берилди: *Президентимиз ташаббуси билан 2023 йилда Қорақалпоғистоннинг ҳар бир маҳалласига 500 миллион сўмдан маблағ ажратилди, Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш ва маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ҳудуд қиёфаси тубдан янгиланди.*

Бунёдкорлик ишлари билан ҳамоҳанг тарзда ижтимоий ҳимоя, тадбиркорлик, бандлик масалаларига ҳам ечим топиляпти. Мисол учун, йил бошида маҳалламизда 172 нафар ишсиз фуқаро аниқланиб, “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури асосида уларнинг 112 нафарига 1 миллиард 130 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Қолганлари доимий ишга жойлаштирилди, ўз лойиҳаларини амалга ошириш учун ссуда ва субсидиялар берилди, касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди.

Камбағаллик билан ишлашда ҳам шу тамойилни устувор, деб биламиз. Оилага бир марталик ёрдам беришдан кўра, унинг доимий даромад манбасини яратиш муҳим. Шу маънода Ижтимоий реестрга йил бошида киритилган 116 та оила билан манзилли ишлади, улар турли хизматлар билан қамраб олинди. “Қизил” тоифадаги 76 та хонадоннинг аксариятига имтиёзли кредит ажратилиб, паррандачилик, ишлаб чиқариш соҳаларида даромадли қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистонга ташрифи давомида бу борада ҳам янги ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, оилавий тадбиркорлик кредитлари ставкаси 17,5 фоиздан 12 фоизга туширилиши, келаси йили “драйвер” лойиҳаларга 100 миллион доллар йўналтирилиши ва шу орқали камида 50 минг кишини даромадли қилиш белгиланди.

Президент ташрифи маҳаллаларга яна бир муҳим масъулиятни эслатди: **ташаббусни кутиш эмас, уни маҳалланинг ўзи илгари суриши; имкониятни санаш эмас, ундан натижа чиқариши керак.** Бунинг учун маҳалла раиси ва “еттилик” мавжуд муаммоларни қайд этиб борувчидан уларга ечим таклиф қиладиган, аҳолининг ғоясини лойиҳага айлантирадиган ва натижасини назорат қиладиган жамоага айланиши зарур.

Шу маънода ҳар бир маҳалланинг ўзига хос “ўн ташаббус”и ишлаб чиқилса, айни муддао бўларди. Унда ҳудуднинг энг долзарб муаммолари билан бирга, уларнинг аниқ ечимлари, молиявий манбаси, масъули ва кутилган натижаси белгилаб қўйилади. Кимдир бандликни оширишга, яна кимдир ички йўл ёки ичимлик сув масаласини ҳал этишга, бошқаси ёшлар учун янги имконият яратишга урғу беради. Муҳими, ташаббус маҳалланинг ҳақиқий эҳтиёжидан туғилади. Бундай ёндашувда натижа ҳам аниқ кўринади: қанча оила даромадли бўлди, нечта иш ўрни яратилди, қайси кўча обод бўлди, қайси муаммо бартараф этилди. Яъни маблағнинг одамлар ҳаётидаги самарасини баҳолаш имкони пайдо бўлади.

Сирасини айтганда, фикр ташаббусга, ташаббус амалга, амал эса натижага айланганда маҳалладаги ўзгариш одамлар ҳаётида сезилади. Қорақалпоғистон маҳаллаларида бу жараён аллақачон бошланган. Эндиги вазифа — уни ҳар бир кўча, ҳар бир оила ва ҳар бир инсон ҳаётида давом эттириш.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИЁФАСИДАГИ МАҲАЛЛА”

ЎЗГАРИШ КЎЧАЛАРНИ ЭМАС, МУНОСАБАТЛАРНИ ҲАМ ЯНГИЛАЙДИ

Жомбой туманидаги “Ғазира” ва “Эски Жомбой” маҳаллаларига Янги Ўзбекистон қиёфаси олиб кирилмоқда. Ҳар икки маҳаллага 5 миллиард сўмдан маблағ ажратилиши орқали кундалик ҳаёт сифатига бевосита таъсир қиладиган йўналишларга эътибор қаратиляпти.



“Ғазира”нинг танланишида унинг ҳудудий ўрни ҳам муҳим омил бўлган. Туман марказидан 15 километр узоқликда жойлашган, тўртта қишлоқни бирлаштирган ва 5 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган маҳалла Ғазира деҳқон бозори орқали яна 12 та маҳалла аҳолисини ўзига жалб этади. Шу боис бу ердаги инфратузилманинг яхшиланиши бир ҳудуд доирасида қолиб кетмай, унга туташ маҳаллалар ҳаётига ҳам таъсир кўрсатади.

*— Маҳалламиз марказлашган ҳудуд бўлиб, аҳолининг асосий даромади деҳқончилик ва чорвачиликдан, **— дейди “Ғазира” маҳалласи раиси Зариф Нормаматов.** — Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш ва туризм қўшимча “драйвер” сифатида белгиланган. Дастур доирасида 2,5 километр ички йўлни таъмирлаш, 1,6 километр пиёдалар йўлаги қуриш, 2,5 километр электр тармоғи тортиш, 3 та янги трансформатор ва 110 та тунги ёритиш чирогини ўрнатиш, 9,2 километр ичимлик сув тармоғини тортиш режалаштирилган.*

Эътиборлиси, “Ғазира”да бунёдкорлик ишлари фақат ажратилган маблағ доирасида олиб борилаётгани йўқ. Маҳалладаги ташаббуслар аҳоли ва тадбиркорларни ҳам жараёнга жалб этмоқда. 13 километр ички йўлнинг шағаллаштирилиши, 11 та бекат, кутубхона ташкил этилиши, спорт майдончаси барпо қилиниши, марказий ўйингоҳга ўриндиқлар ва ёритиш чироқлари ўрнатилиши шундай ҳамкорлик самарасидир.

“Эски Жомбой”да эса асосий эътибор йиллар давомида йиғилиб келган инфратузилма муаммоларини тизимли ҳал этишга қаратилган. Маҳалла марказини ташкил этиш, яшил хиёбон ва пиёдалар йўлакларини барпо қилиш, 120 та хонадоннинг 14,4 гектар томорқасида сугориш тизимини яхшилаш режалаштирилган.

*— Ўн йилдан буён маҳалламиз ўз биносига эга эмас ва ижара асосида турли биноларда ишлаб келяпмиз, **— дейди “Эски Жомбой” маҳалласи раиси Мирзоаҳмад Раҳматов.** — Сугориш тизими, йўллар, пиёдалар йўлаклари ва электр энергияси билан боғлиқ муаммолар аҳолини узоқ йиллардан буён қийнаб келаётган эди. Дастур доирасида эндиликда 3 километр ички йўл таъмирланади, 2,1 километр пиёдалар йўлаги қурилади, 2,7 километр электр тармоги тортилади, 109 та тунги ёритиш чироги ўрнатилади. Маҳалла биносининг қурилиши иш самарадорлигини янада оширади.*

Икки маҳалладаги жараёнларни бирлаштириб турган жиҳат — бунёдкорликнинг аҳоли ҳаёти билан узвий боғланганидир. “Ғазира”да марказий ўрин ва туташ ҳудудларга хизмат қиладиган инфратузилма янгиланяпти, “Эски Жомбой”да эса йиллар давомида тўпланган эҳтиёжлар босқичма-босқич бартараф этилмоқда.

ИМКОНИЯТ

Марказий банк маълумотига кўра, жорий йилнинг январь-август ойларида “Маҳалла лойиҳаси” доирасида мамлакатимиз ҳудудларига жами 14,8 триллион сўм кредит маблағи ажратилган.

“МАҲАЛЛА ЛОЙИҲАСИ”ГА 14,8 ТРИЛЛИОН СЎМ АЖРАТИЛДИ



“Маҳалла лойиҳаси”, бу — одамларни ишли ва даромадли қилишга қаратилган ташаббус бўлиб, бунда маҳалла банкирлари “хонадонбай” ишлаб, ҳар бир оилага тайёр лойиҳалар ёки бизнес режалар таклиф қилади.

2026 йилнинг ўтган саккиз ойида ажратилган кредитларнинг 51 фоиздан ортиғи Тошкент шаҳри (2,35 триллион сўм), Самарқанд (1,51 триллион сўм), Тошкент (1,44 триллион сўм), Қашқадарё (1,20 триллион сўм) ва Фарғона (1,05 триллион сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келган.

*Айтиш керакки, йил бошида ҳар бир маҳалла бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгиланиб, “Маҳалла лойиҳаси” дастурига **1 миллиард доллар** кредит ресурси ажратилгани қайд этилганди.*

ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ УСТУВОР

Маҳалла кўмаги 200 кишини ишли қилди

Фурқат туманидаги “Чилгижийда” маҳалласида тадбиркор Малика Ёдгорова хонадонида йўлга қўйилган хотин-қизлар учун рўмол тайёрлашга мўлжалланган тикувчилик цехи ҳудуддаги ибратли ташаббуслар сирасига киради.



Маҳалла раиси Ҳикматжон Султоновнинг маълум қилишича, бугунги кунда маҳалладаги 1 100 та оилада 4 200 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Тикувчилик ва чорвачилик маҳалла “драйвер”и сифатида белгиланган. Малика Ёдгорова сингари етакчи тадбиркорлар кўмагида “Чилгижийда” ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудуд мақомига эга бўлиб боряпти.

Мазкур истиқболли лойиҳа орқали касаначилик асосида **маҳалладаги 200 нафардан зиёд хотин-қизнинг,** айниқса, имконияти чекланган, эҳтиёжманд аёлларнинг бандлиги таъминланди.

*— Ўз фаолиятимизни уч нафар қизим билан бошлаган эдик, **— дейди Малика Ёдгорова.** — Янги-янги ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилаётгани, тадбиркорликка эътибор ва рағбат туфайли корхонамиз бугунги кунда маҳалла хотин-қизлари учун доимий даромад манбаига айланди. Маҳалла кўмагида йўлга қўйилган цехда йилига 40 минг дона маҳсулот ишлаб чиқарилиб, улар, асосан, ички бозорлар ва Қозогистон Республикасига экспорт қилинади.*

Малика Ёдгорованинг ушбу йўналишдаги хайрли ишлари муносиб эътироф этилиб, бу йил Президент фармойишига кўра, **“Фаол тадбиркор” кўкрак нишони** билан тақдирланди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.



ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДАГИ “КАТТА ХИРМОНТЕПА” МАҲАЛЛАСИДА 1 000 та китоб фондига эга мўъжазгина кутубхона ташкил этилди.



Халқаро шахмат федерацияси (FIDE) рейтингида ЖАВОҲИР СИНДОРОВ ва НОДИРБЕК АБДУСАТТОРОВ кучли бешликдан ўрин олди.



Олмалиқда 11-синф ўқувчиси САИДАЪЗАМХОН АКРОМХОНОВ “IELTS” ИМТИҲОНИДА 9.0 балл натижани қўлга киритди.

Mahalla

№80

2026 ЙИЛ
3 ОКТЯБРЬ,
ШАНБА

Ёшларга катта имконият бериш учун катта маблағ эмас, биринчи қадамни ташлашга ундайдиган одам керак бўлади

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ



Томорқада фақат гул эмас, имконият ҳам унади

Маҳалламизда томорқа деганда, фақат экин экиладиган ер тушунилмайди. Кимдир ундан касб топади, яна кимдир йиллар давомида йиққан тажрибасини даромад манбаига айлантиради. Мен учун Ғайрат Ғаниевнинг томорқаси ана шундай меҳнатнинг жонли мисоли.

Муҳиддин МАДАМИНОВ,
Учкўприк туманидаги “Баҳрин” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Хонадонига киргинингизда оддий ҳовлига эмас, гўё кичик бир гулзор ва тажриба майдонига киргандек бўласиз. **Қайси фаслда борманг, хонадон соҳибларини гуллар орасида, иш устида учратасиз.** Бу ерда гул— оиланинг меҳнати, даромади ва йиллар давомида орттирилган тажрибасининг натижаси.

Ғайратжон — аслида ўқитувчи. Гулчиликка ҳам мактабдаги бир нечта хонаки гуллардан кириб келган. Дарс берган пайтларида синф хонасидаги гулларни меҳр билан парвариш қилди. Кейин уларни кўпайтириб, қаламчаларини уйига олиб келиб, тажрибани томорқасида давом эттирди. Бир қараса, кичкина иссиқхона пайдо бўлди.

Дастлаб палма гулини кўпайтиришга кўпроқ эътибор берди. Унинг сувга чидамлироқ навларини уруғидан кўпайтириб, ёнига бошқа хонаки гулларни ҳам қўша бошлади. Кичкина иссиқхонада маҳаллий гулларни парваришлаб, хатоларини ҳам, тўғри йўлларини ҳам ўрганди. Кейинчалик қизиқиши янада ортиб, четдан келтириладиган ноёб ва экзотик гулларга кўзи тушди. Шу пайтда оддий томорқа аста-секин ўзига хос гулчилик хўжалигига айлана бошлади.

Бирин-кетин иссиқхоналар қурилди. Улар ёзда салқинлатиш, қишда эса иситиш имкониятига мослаштирилди.

Энг қизиғи, Ғайратжон тайёр гулни шунчаки сотиб қўя қолмайди. Чет элдан келтирилган гулларнинг ўзини қаламча қилиб, яна ўзи кўпайтиради. Айримлари қаламчадан, бошқалари кўчатидан кўпаяди. Асосий ишлар эса баҳорнинг март-апрель ойларида ва кузнинг сентябрь-октябрь ойларида қизийди.

Битта гул кўчатининг бозорга чиқиши ҳам осон эмас экан. Қаламча олинади, кичик идишга экилади, илдиз отиб, барг чиқаргач, каттароқ идишга кўчирилади. Бу жараён яна такрорланади. Шундан кейингина кўчат бозорга тайёр ҳолга келади. Бунинг учун баъзи гулларга 7-8 ой вақт кетади.

Бир йилда иссиқхоналарда 40 минг донадан ортиқ гул кўчати етиштирилади. Асосан хориждан келтириладиган манзарали хонаки гуллар бўлиб, ўртача 15-20 минг сўмдан сотилади. Гулларга қўшни маҳаллалардан ҳам, республикамизнинг турли ҳудудларидан ҳам харидорлар келади. Ҳатто Қирғизистон ва Қозоғистондан ҳам талаб бор.

Лекин бу натижага ёш тадбиркор бир кунда эришмаган. Дастлаб эккан гуллари қуриб қолган пайтлари, нотўғри агротехника сабаб кутилган натижа чиқмаган кунлари ҳам бўлган. Аммо у ташлаб қўймади. Маҳалладаги тажрибали гулчиларга шогирд тушди, ўрганди, хато қилди, яна ўрганди.

Бугун эса бошқаларга гулчилик сирларини ўргатяпти. Энди унинг режаси бундан ҳам катта. Ёшларга ажратилаётган узоқ муддатли ижара ерларидан фойдаланиб, яна каттароқ иссиқхона қуриш ва экзотик гуллар етиштиришни кенгайтириш ниятида.

Мен маҳалладаги ёшлар етакчиси сифатида бундай ташаббусни қўллаб-қувватлайман, албатта. Чунки баъзан ёшларга катта имконият бериш учун катта маблағ эмас, биринчи қадамни ташлашга ундайдиган одам керак бўлади. Ғайратжон эса бунга тайёр. У ўрганганини бошқалардан қизғанмайди. Энди маҳалламиздаги ёшларни ҳам унинг ёнига олиб бориб, гулчиликни ўрганишига, ўз томорқасини даромад манбаига айлантиришига кўмаклашмоқчимиз.



МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ



Тадбиркорликни бошлашда иккиланиш ва қўрқувлар йўқолди

“Бир пайтлар бошқаларнинг қўлида ишлардим. Бугун эса ўзим иш берувчига айландим”, — дейди маҳалламиз фаоли Турсунпошша Раҳимова. Унинг бу сўзлари замирида нафақат бир аёлнинг қувончи, балки юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг амалий натижаси мужассам.



Мансурбек ТОШБОЕВ,
Избоскан туманидаги “Юқори” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси вазифасини бажарувчи.

Ҳоким ёрдамчиси сифатида иш бошлаган илк кунларимданоқ, ҳудуддаги ҳар бир хонадоннинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўрганишни бош мақсад қилганман. Боқимандалик кайфиятини йўқотиш, одамларга даромад топишни ўргатишга астойдил интилдим.

Турсунпошша опа 3 нафар фарзандини вояга етказиш билан бирга, рўзғор тебратишда қийналаётган, аммо қалбида интилиши бўлган аёллардан бири эди. Биз у билан суҳбатлашиб, ички имкониятлари ва қизиқишларини таҳлил қилдик. Опанинг тикувчиликка ҳаваси ва маҳоратини кўриб, унга тўғри йўналиш бердик.

Давлат яратиб берган имкониятлардан фойдаланган ҳолда, унга субсидия асосида тикув машинаси тақдим этилди. Фаолиятини кенгайтириши учун хомашё сотиб олишга 5 миллион сўм имтиёзли кредит ажратдик. Шу кичик кўмак опанинг ҳаётида катта бурилиш ясади.

Бугунги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, берилган имконият тўғри йўналтирилса, у тез фурсатда ўзини оқлайди. Саъй-ҳаракатларимиз бекор кетмади. Турсунпошша опа нафақат ўз оиласининг даромадини тиклади, балки бугунги кунда 2 нафар ишсиз қўшни аёлни ҳам иш билан таъминлади. Эндиликда у бир эмас, бир неча оиланинг рўзғорига барака киришига сабабчи бўлмоқда.

Баҳодир Акбаров эса узоқ йиллардан буён иссиқхонада помидор, булғор қалампири ва бодринг кўчатларини етиштириб келади. Бугунги кунда фаолиятини кенгайтириб, “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида кўчатчилик бўйича кооперация усулида ишни ташкил қилишни мақсад қилди. Бунинг учун ҳам банк кредитига эҳтиёж туғилди. Унга ҳам амалий ёрдам кўрсатилди. Мазкур маблағ эвазига иссиқхона кенгайтирилиб, булғор қалампири кўчатлари етиштирилмоқда.

Ҳоким ёрдамчиси сифатида мени энг қувонтирадиган жиҳат — маҳалладошларимизнинг дунёқараши ўзгараётганидир. Одамларда тадбиркорлик фаолиятини бошлашда иккиланиш ва қўрқув йўқолди. “Маҳаллабай” ишлаш тизими мана шундай инсонлар тимсолида ўз мевасини бермоқда.

КИЧИК ЛОЙИҲАДАН КАТТА НАТИЖА

Фарғона водийсида қадимдан шаклланган ҳунармандчилик анъаналари бугун ҳам ўз қадрини йўқотмаган. Бувайда туманида пичоқчилик нафақат рўзғор учун зарур буюм тайёрлаш, балки асрлар давомида сайқалланиб келаётган ўзига хос ҳунар мактаби сифатида қадрланади.

“МАҚСАДГА ЕТИШ УЧУН, АВВАЛО, ИСТАК, КЕЙИН ТАШАББУС КЕРАК”

Мафтуна МАМАСИДДИҚОВА.



Бу ерда пичоқ ясаш оддий меҳнат эмас. Уста учун ҳар бир тиғда аниқлик, сабр ва дид мужассам. Темирни қиздириш, унга шакл бериш, тиғини чиқариш, дастасини тайёрлаш ва безак бериш — буларнинг ҳар бири алоҳида маҳорат талаб этади.

“Янгиқишлоқ” маҳалласи эса бу борада етакчи. Ҳудуд нафақат Фарғона вилоятида, балки юртимизда ҳам темирчилик маҳсулотлари билан танилган. Бу ерда 5 315 нафар аҳоли истиқомат қилаётган бўлиб, 400 га яқин хонадон кетмон, болта, теша каби рўзғор учун зарур бўладиган маҳсулотларни ясаш билан шуғулланади. Улар ички бозор билан бирга, қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда. Яқиндан бери маҳаллада пичоқчилик янги “ўсиш нуқта” сифатида ривожлана бошлади.

Шоҳаббос Муҳиддинов 30 ёшда. Пичоқчилик ҳунарини эгаллаганига кўп бўлмаган. Аммо 15-16 ёшиданоқ қишлоқ хўжалигида зарур бўлган меҳнат қуролларини тайёрлаб келади. Бугун темирчилик ва пичоқчилик унинг асосий машғулотига айланган. Ўзлаштирган билимларини амалиёт билан бойитиб борди.

“Янгиқишлоқ” пичоқлари ўзига хос шакли, пишиқлиги ва маҳаллий ҳунармандчилик анъаналари билан ажралиб туради. Қишлоқда темирчилар кўп. Аммо пичоқчилик билан шуғулланадиган усталар бармоқ билан санарли.

Эътиборлиси, қаҳарамонимиз фаолиятини янада кенгайтиришида маҳалланинг ўрни катта бўлди. Унга ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан 30 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Кейинроқ ишини кенгайтириш мақсадида яна 60 миллион сўм маблағ берилди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан бирга, янги иш ўринлари ҳам яратилди.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла кўмагида ҳудудда яна бир “драйвер” соҳага асос солинди. Ҳозирда Шоҳаббосга ҳавас қилиб, ўнлаб ёшлар шу ҳунар сирларини ўрганмоқда.

ТАЖРИБА

“Ишдан даромад, ортидан фаровонлик келади”

Тонг саҳарда Термиз шаҳридаги “Аму соҳиллари” маҳалласи бўйлаб юрсангиз, ҳаётнинг жўшқинлигига гувоҳ бўласиз. Янги кўп қаватли уйлар ёнидан ўтаётиб, кичик бир сартарошхона эътиборингизни тортади. Бу ерда Жасур Мингқобилов ўз келажагини яратмоқда.

Хайрулло ФАЙЗ.



Сал нарироқдаги кўп қаватли уйнинг ертўласидан эса тикув машиналарининг бир маромдаги овози қулоққа чалинади. Нодира Қаюмова ўзи каби ўнлаб маҳалла хотин-қизларига иш бериб, уларни ҳунармандга айлантирган. Яна бир хонадонда боқилаётган ўрдаклар Шуҳрат Чориев оиласининг янги даромад манбаи, меҳнатнинг баракасидир.

Бу манзаралар шунчаки тасодиф эмас. Ўзбекистоннинг энг олис ҳудудларида ҳам ҳар бир фуқаронинг истак ва имкониятини рўёбга чиқараётган тизимли ислоҳотларнинг ёрқин аксидир.

— “Маҳаллабай” ишлаш тизими ёрдамида аҳолининг муаммо ва истаклари жойида ва вақтида ечилмоқда? — ***дейди ҳоким ёрдамчиси вазифасини бажарувчи Хуршид Норқулов.*** *— Мисол учун, Жасур Мингқобиловга шунчаки иш топиб берилмади, балки унинг сартарошлик соҳасига бўлган қизиқиши аниқланди. Аҳоли гавжум бўлган кўп қаватли уйлар атрофидан жой ажратилиши ва имтиёзли кредит берилиши — талаб ва таклифнинг бир нуқтада туташтирди. Жасур шу тариқа ўзи учун кичик, аммо барқарор ва даромадли иш жойини яратишга муваффақ бўлди.*

Иқтисодиётда кичик ҳаваскорлик фаолиятини расмий ва даромадли тадбиркорлик субъектига айлантириш энг мураккаб жараёнлардан бири ҳисобланади. “Аму соҳиллари” маҳалласида тизимли ўсиш занжири муваффақиятли синовдан ўтди. Ҳаммаси Нодира Қаюмованинг уй шароитида, якка тартибда ҳаваскорлик асосида тикувчилик билан шуғулланишидан бошланган эди. Дастлабки паллада ишлаб чиқариш ҳажми ва даромад фақат бир оила эҳтиёжлари билан чекланиб қолган эди. Маҳалла фаолларининг ташаббуси билан унга имтиёзли кредит ажратилди ва бу молиявий кўмак лойиҳанинг кенгайиши учун мустаҳкам пойдевор яратди.

Учинчи босқичда лойиҳа расмий тадбиркорлик корхонасига айлантирилди. Бунда маҳалладаги инфратузилмадан оқилона фойдаланилиб, янги кўп қаватли уйнинг бўш турган ертўласидан алоҳида жой ажратилди. Шу тарзда ишлаб чиқаришни профессионал даражага олиб чиқилди. Бугун Нодира нафақат ўз оиласи фаровонлигини таъминлади, балки ўзи каби ўнлаб тенгдош хотин-қизларни ҳам доимий ишли қилди.

Бу каби лойиҳалар оилаларнинг молиявий барқарорлигини кафолатламоқда. Ҳар бир фуқаро билан якама-якка, манзилли ишлаш натижасида аҳоли бандлигини таъминлашга эришиляпти.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

КИМДА ИҚТИДОР ЙЎҚДИР...

Меҳнат бор жойда майдон торлик қилмайди

Пахтакор туманидаги “Боғишамол” маҳалласида яшовчи Жамшид Аҳмедовнинг тадбиркорлик йўли кичик қадамдан бошланган. Бир неча йил олдин у оила аъзолари билан хонадонидаги кичик майдонда иссиқхона ташкил этиб, кўкатчиликни йўлга қўйди.

Дастлабки иссиқхонадан олинган даромад ва энг муҳими, орттирилган тажриба Жамшидни бу фаолиятни кенгайтиришга ундади. У ёпиқ экин майдонидаги ишнинг нозик жиҳатларини ўрганди, ер ва сувдан самарали фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш, маҳсулотни етиштириш ва сотиш бўйича тажриба тўплади.

2024 йилда фаолиятида янги босқич бошланди. Ёшлар етакчиси кўмагида ажратилган 100 миллион сўмлик имтиёзли кредитдан фойдаланиб, 22 сотих майдонда янги иссиқхона барпо этди. Шу тариқа хонадонидаги кичик иссиқхонадан бошланган иш аста-секин кенгроқ хўжаликка айланди.

Жамшид Аҳмедовнинг қишлоқ хўжалигидаги меҳнати муносиб эътироф этилиб, у “Келажак бунёдкори” медали ҳамда



“Намунали томорқачи” кўкрак нишони билан тақдирланди.

— Беш сотихдаги иссиқхона мен учун катта тажриба мактаби бўлди, ***— дейди ёш тадбиркор.*** *— Ҳар бир натижага кундалик меҳнат ва сабр билан эришдим. Энди мақсадим — иссиқхоналар майдонини янада кенгайтириб, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ва уларни Европа давлатларига етказиб бериш.*


Бугун Жамшид Аҳмедовнинг олдида янада кенг имкониятлар турибди. У орттирган билим ва тажрибасини ёшлар билан баҳам кўриб, уларни ерга, меҳнатга ва тадбиркорликка жалб этиш ниятида.



Пойтахтимизда ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА Озарбайжон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.



ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ Польшада ўтказилган 28-Халқаро узоқ муддатли парваришлаш конференциясида қатнашди.



“Yandex Maps” ҳамкорлигида пойтахтдаги жамоат жойларининг ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ШАХСЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИГИ ҳақидаги маълумотлар кенгайтирилди.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

Маҳалламизда 8 366 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 72 нафари ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланади. Ҳудудда бундай фуқароларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, касб-ҳунарга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

“Ишонч уйғонган қалбда имкониятлар чегара билмайди”

Дилноза ЖУМАЕВА,
Бухоро туманидаги “Деҳча” маҳалласи ижтимоий ходими.

Шу мақсадда ногиронлиги бўлган кишиларнинг эҳтиёжларини ўрганиб, уларни мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга йўналтиряпмиз. Ҳар бир фуқаронинг қизиқиши, қобилияти ва салоҳиятини инобатга олган ҳолда, касб-ҳунар ўрганиши ҳамда мустақил даромад топиши учун амалий кўмак кўрсатилмоқда.

23 ёшли Озода Ҳамроева ана шундай эътибор ва кўмак натижасида ҳаётида муҳим ўзгаришларга эришган ёшларимиздан биридир. Унинг эшитиш ва гапиришда муаммоси бор. Бироқ бу ҳолат қизнинг ўз қобилиятини намоён этиши, касб эгаллаши ва меҳнат қилиши учун тўсиқ бўла олмади. Аксинча, ўз устида ишлашга бўлган интилиши, тиришқоқлиги ва меҳнатга бўлган қизиқиши уни янги имкониятлар сари етаклади.

Тавсиямиз асосида Озода Касбий кўникмалар марказида чеварчиликни ўрганди. Мазкур таълим жараёнида у тикув машинасидан фойдаланиш, кийим-кечак тикиш, буюмларни бичиш, ўлчов олиш ва буюртма асосида маҳсулот тайёрлаш каби амалий кўникмаларни эгаллади.



Касб ўрганиш Озодага нафақат ҳунар, балки ўзига бўлган ишончни ҳам берди. Бугун у касаначилик асосида тикувчилик билан шуғулланиб, турли буюртмаларни бажариб келмоқда. Уй шароитида меҳнат қилаётган ёш тикувчи ўз қобилиятини рўёбга чиқариш билан бирга, даромад топиш ва оиласига кўмаклашиш имконига эга бўлди.

Амалиётда шундай ҳолатларга дуч келамизки, бир инсон учун оддий бўлиб кўринган имконият бошқа кишини мустақил ҳаётга олиб борувчи муҳим қадамга айланиши мумкин. Масалан, имконияти чекланган фуқаролар учун уйда меҳнат қилиш қулай ечим бўлади. Касаначилик эса уларнинг оилавий шароити ва саломатлигини ҳисобга олган ҳолда бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шу боис фуқаролар билан ишлашда тайёр ечимлардан кўра, уларнинг шахсий эҳтиёжларига мос йўлларни излашга ҳаракат қиламиз. Кимгадир касб ўрганишда кўмак керак бўлса, яна бировга иш қуроллари, буюртма топиш ёки ўз кучига ишонишда ёрдам зарур бўлади. Муҳими, кўрсатилаётган кўмак инсонни доимий равишда ёрдамга муҳтож қилиб қўймасдан, унинг мустақиллигига хизмат қилиши керак.

Озода Ҳамроеванинг фаолияти бунга яққол мисолдир. У ўз уйида тикувчилик билан шуғулланиб, буюртмалар асосида турли маҳсулотлар тайёрламоқда. Ҳар бир битирилган буюртма унинг тажрибасини ошириб, келгусидаги имкониятларини кенгайтирмоқда.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

“АЁЛНИНГ ҚЎЛИДА КАСБ, ҚАЛБИДА УМИД ВА ОЛДИДА АНИҚ МАҚСАДИ БЎЛСИН...”

Маҳалла тизимида 2022 йилдан бери ишлаб келаман. Фаолиятимнинг дастлабки даврида хотин-қизлардан тушаётган мурожаатларнинг аксарияти болалар нафақаси, ишсизлик, моддий ёрдам каби масалалар билан боғлиқ эди. Албатта, бу мурожаатларнинг ҳар бири ортида муайян оилавий эҳтиёж, турмуш ташвиши борлигини ич-ичимдан ҳис қилардим.



Зулайҳо НУРНАЗАРОВА,
Нурота туманидаги “Миришкор” ва “Нуробод” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Шундан сўнг ишлаш услубимизга бошқача ёндашдик. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда хонадонма-хонадон юриб, хотин-қизларнинг нафақат бугунги эҳтиёжини, балки қизиқиши, қобилияти ва имкониятларини ўрганишга киришдик. “Оқила аёллар” ҳаракати билан учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этиб, айниқса, кўп мурожаат қиладиган хотин-қизлар билан алоҳида ишладик.

Натижада аста-секин ўзгаришлар сезила бошлади. Илгари давлатдан моддий ёрдам олиш билан чекланиб келган айрим хотин-қизлар бугун ўз меҳнати орқали даромад топиш мумкинлигини тушуниб етмоқда. Фарзанд парваришлаётган оналар, аввал ишлашга унчалик қизиқмаган аёллар ҳам каштачилик, тикувчилик, пазандачилик каби йўналишларга қизиқиш билдиряпти.

Менимча, бу — ишимиздаги энг муҳим натижалардан бири. Чунки аёлнинг “қандай ёрдам олсам бўлади?”, дегандан “қандай даромад топсам бўлади?” деб ўйлай бошлаши унинг ҳаётидаги муҳим бурилишдир.

Маҳалламиз туман марказида жойлашган. Шу боис хотин-қизларнинг аксарияти таълим, тиббиёт ва давлат ташкилотларида меҳнат қилади. Касаначилик билан шуғулланиб, оила даромадига ҳисса қўшаётганлар ҳам бор. Уларнинг ҳар бири ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда меҳнат қилмоқда.

Бу борада Зарнигор Раҳимованинг фаолияти алоҳида эътиборга молик. У тикувчиликни касб сифатида эгаллабгина қолмай, бугун бошқаларга ҳам ўргатмоқда. Ҳозир бешта эҳтиёжманд оиланинг аёлига тикувчиликдан сабоқ беряпти. Бундан ташқари, яна беш нафар шогирди бор.

Зарнигор айни пайтда микролойиҳалар ташкил этиш устида ишлаяпти. Фаолиятини якка тартибдаги тадбиркор сифатида расмийлаштирди, ҳунармандлар уюшмасига аъзо бўлди. Унинг бугунги ҳаракати касб эгаллаган аёл фақат ўзини эмас, бошқаларни ҳам меҳнатга жалб этиши мумкинлигини исботлаяпти.

Мадина Қаҳҳорованинг ташаббуси ҳам шундай мисоллардан бири. У сомса тайёрлаб, сотишни йўлга қўйди. Энди фаолиятини янада кенгайтириб, иш ҳажмини ошириш ва 5-10 нафар иш ўрни яратишни мақсад қилган.

Айни кунларда камбағалликни қисқартириш ва ишсизликни бартараф этиш масаласига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Хотин-қизларнинг оилавий шароити, қизиқиши ва қобилиятидан келиб чиқиб, мос йўналишларга йўналтиряпмиз.

Чунки ҳаммага бир хил ечим таклиф қилиб бўлмайди. Кимдир тикув машинаси олдида ўзини топади, яна биров пазандачиликда, бошқаси каштачиликда моҳир. Муҳими, инсоннинг қобилиятини кўра билиш ва унга ўзини намоён этиши учун шароит яратишни мақсад қилганмиз.

Оилавий масалалар ҳам эътиборимиздан четда эмас. 2026 йилда маҳалламизда ажрашиш ҳолати умуман қайд этилмади. Бу натижага туман “Оқила аёллар” ҳаракати сардори Шодигул Ҳусанова билан биргаликда оилавий низоларнинг ташқи белгиларини эмас, балки уларнинг туб сабабларини ўрганиш орқали эришяпмиз.

Маҳалламизда нуронийларимиз кўп. Деярли ҳар бир хонадонда кексалар борлиги оилавий муносабатларга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Ёши улуғ инсонларнинг маслаҳати, ҳаётий тажрибаси ёш оилалар учун маънавий таянч бўлиб хизмат қилади.

Боқувчисини йўқотган оилалар билан ҳам манзилли иш олиб боряпмиз. Маҳалламизда шундай тўртта оила мавжуд бўлиб, ижтимоий ходим Гулмира Азимова билан ҳамкорликда уларнинг эҳтиёжларини ўрганиб, зарур ёрдамлар кўрсатяпмиз.

Келгусида маҳалламизда тадбиркорликни бошлаш истагидаги хотин-қизлар сафини янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз. Чунки аёлнинг қўлида касб, қалбида ишонч ва олдида аниқ мақсад бўлса, у нафақат ўз оиласи, балки бутун маҳалла иқтисодий ҳаётига ҳисса қўша олади.

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

ТАРБИЯДАГИ ЙЎҚОТИШЛАР ЎРНИНИ ЖАРИМА БИЛАН ТЎЛДИРИШ МУМКИНМИ?

Фарзандниng мактабга бориши, дарсини тайёрлаши, кимлар билан дўстлашиши, кўчага қачон чиқиб, қайси вақт уйга қайтиши каби жиҳатлар оддий маиший масалалардек кўриниши мумкин. Аслида эса боланинг келажаги айнан шу “майда”дек туюлган назорат ва эътибордан бошланади.

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА,
“Mahalla” мухбири.

Аммо бугун рақамлар оиладаги тарбия ва назорат масаласига жиддийроқ қараш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, 2025 йилда Ўзбекистонда 224,9 минг нафар ота-она фарзанд тарбияси бўйича мажбуриятларини бажармагани учун маъмурий жавобгарликка тортилган. Бу — бир йиллик ҳисобда жуда катта кўрсаткич. Шу билан бирга, Болалар омбудсмани маълумотларига кўра, 2025 йилда унга 1 934 та мурожаат келиб тушган. Бу 2024 йилдаги 1 064 та мурожаатга нисбатан қарийб икки баробар кўп.

Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати бўлим бошлиғи Ўғилой Бозорованинг таъкидлашича, вояга етмаганлар ўртасидаги, хусусан, мулкий турдаги жиноятларнинг олдини олишда оиладаги назорат ва эътибор муҳим омиллардан бири. Боланинг салбий гуруҳларга эргашиши, таълим жараёнига етарлича қатнашмаслиги ва бўш вақтининг назоратсиз қолиши ҳуқуқбузарлик хавфини оширувчи омиллар сифатида қайд этилмоқда.

Демак, муаммони бола жиноят содир этганидан кейин эмас, ундан анча олдин кўриш керак. Гўдак мактабдан сабабсиз қоляптими? Унинг давомати кимнидир қизиқтиряптими? У кечқурун кўчада юрибдими? Дўстлари ким? Интернетда нималарни кўряпти? Уйда ким билан суҳбатлашади? Бир қарашда оддий саволлар. Лекин уларнинг бирортаси ўз вақтида берилмаса, кейин бунинг ўрнини профилактика инспектори, психолог, ижтимоий ходим ёки суд жараёни эгаллаши мумкин. Энг ачинарлиси, бола билан муаммо юзага келганидан кейингина шу саволларни беришимиз эмасми?

Статистикада келтирилган “224,9 минг” рақамининг ортида фарзанди билан мулоқот қилишга вақт топмаган ота, тарбия масъулиятини бошқалар зиммасига юклаган она, назоратсиз қолган ўсмир, эътиборсиз қолган болалик бор...



Бугун бола тарбияси ҳақида гап кетганда, масъулиятни фақат мактаб, маҳалла ёки профилактика ходими зиммасига юклаш нотўғри. Мактаб таълим беради. Маҳалла оила билан ишлайди. Профилактика хизмати хавфларни барвақт аниқлашга ҳаракат қилади. Аммо боланинг кундалик ҳаётидаги энг яқин ва доимий муҳит — оиласидир.

Болалар омбудсмани Сурайё Раҳмонованинг 2025 йилги ҳисоботи ҳам муаммонинг жиддийлигини кўрсатади: йил давомида болалар ҳуқуқлари билан боғлиқ 1 934 та мурожаат келиб тушган. Мурожаатларни ўрганиш натижасида болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари бўйича 19 та жиноий ва 26 та маъмурий иш қўзғатилган. Бу рақамлар бизга битта ҳақиқатни эслатади: болани ҳимоя қилиш уни жазолашдан анча олдин бошланиши керак.

Фарзандининг телефонини текшириш — назорат. Аммо унинг ким билан дўстлашаётганини тушуниш — эътибор. Мактабга борган-бормаганини сўраш — назорат. Нега мактабга боришни истамай қолаётганини билиш — ғамхўрлик. “Қаерда эдинг?”, деб сўраш — назорат. “Нима бўлди, менга айтишинг мумкин”, дейиш — ишонч.

Айнан шу фарқ бола тарбиясида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бола кўпинча ёрдам сўраб бақирмайди. Унинг хулқидаги ўзгариш, дарсга қизиқишининг пасайиши, уйга кеч қайтиши, дўстларининг алмашиши ёки жимиб қолиши — ёрдамга эҳтиёжнинг дастлабки белгиси бўлиши мумкин. Шунинг учун профилактика “ҳуқуқбузарлик содир этилдими?”, деган саволдан эмас, **“болага бугун нима етишмаяпти?”**, қабилидаги саволдан бошланиши керак.

Зеро, тарбияда энг қиммат нарса — кейин берилган жазо эмас, ўз вақтида қаратилган эътибор. Жарима ота-онани жазолаши мумкин, аммо боланинг йўқотилган ишончини қайтариб беролмайди. Шу боис оила, мактаб, маҳалла ва масъул идораларнинг вазифаси бола хатога йўл қўйгандан кейин уни қидириш эмас, **у хатога бориб қолмасидан олдин уни кўра билишдир.**

ИНТИЛГАНГА ИМКОНИЯТ ЧЕКСИЗ

Бахт манзили сари кичик қадамлар

Қоракўл туманидаги “Полвонлар” маҳалласида истиқомат қилувчи оддий қишлоқ аёли Марҳабо Сайфуллаева шу кунга қадар рўзғор юмушлари, фарзандлар тарбияси ва томорқадаги деҳқончилик ишлари билан вақт ўтказарди. Оиланинг даромади ўзига яраша, моддий аҳволи ҳаминқадар, кам таъминланганлар қаторида эди.

Бугун эса аёлнинг ҳаётида янги саҳифа очилган. Ҳозирда у Қоракўл туманида фаолият юритаётган “Karakul Spinning” масъулияти чекланган жамиятида фаолият юритиб келмоқда. Муҳими, у расмий иш жойига эга бўлиб, доимий даромад манбаини яратди.

*— Аввал уйда, болалар тарбияси билан банд бўлиб, фақат томорқада ишлаган бўлсам, эндиликда ўз тайинли ишим, ойлик маошимга эга бўлдим, **— дейди Марҳабо Сайфуллаева.** — Ҳозир ҳар ойда 4,5 миллион сўм ойлик даромадимни оиламга олиб кираётганимдан хурсандман. Умр йўлдошим билан биргаликда тобора турмушимизни яхшилаш ҳаракатидамиз.*

Кун сайин гавжумлашиб, тобора кўркам қиёфа касб этаётган ва инфратузилмаси яхшиланиб бораётган “Янги Ўзбекистон” массивида саноат ишлаб чиқариш корхоналари сафи кенгаяётгани ўнлаб оилалар учун даромад манбаидир. Шундай корхоналардан бири “Karakul Spinning” масъулияти чекланган жамиятида бир йилда 5 минг тоннадан ортиқ ип-калавани қайта ишлаш имконияти яратилган бўлиб, корхона фаолиятининг йўлга қўйилиши натижасида 280 та янги иш ўрни юзага келган. Эътиборлиси, ишчи-чеварларнинг аксариятини шу кунга қадар ишсиз ва даромадсиз бўлган қишлоқ аёллари ташкил этмоқда.



Юқоридаги мисол, тайинли иш ўрни туфайли қишлоқда биргина оила моддий аҳволи ўзгаргани айни пайтда туманда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни доимий иш ўринларига жалб этиш ва оилалар учун барқарор даромад манбаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганига ёрқин мисолдир.

Марҳабо Сайфуллаева сингари чеварлар меҳнат қилаётган корхонада барча зарур шароитлар яратилган. Мутахассислар учун иссиқ овқат ташкил этилган, кунлик ишга келиш ва уйга қайтиш учун транспорт хизмати йўлга қўйилган. Бу, айниқса, қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аёллар учун иш билан бирга, оилавий юмушларни ҳам мувофиқлаштириш имконини бермоқда.



Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА
тайёрлади.



НАВОИЙ ШАҲРИДАГИ “ЯНГИ ҲАЁТ” МАҲАЛЛАСИДА жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлрнинг олдини олишга қаратилган давра суҳбати ўтказилди.



Фарғона шаҳридаги “ҚИЗИЛ” ТОИФАДАГИ МАҲАЛЛАЛАРДА масъул раҳбарлар иштирокида хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича учрашув ташкил этилди.



ГУЛИСТОН ТУМАНИДАГИ “ТАЖРИБАКОР” МАҲАЛЛАСИДА фуқаролар мурожаатлари ва муаммоларини бартараф этишга қаратилган сайёр қабул бўлиб ўтди.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

НАЗОРАТ ҚИЛИШДАН ОЛДИН ТУШУНИШ, ТАЛАБ ҚИЛИШДАН АВВАЛ ЙЎЛ КЎРСАТИШ АФЗАЛРОҚ



Илгари “Кўл”, “Сарчашма”, “Ғелон” каби маҳаллаларни кўпчилик, ҳатто воҳа аҳолисининг аксарияти ҳам билмасди. Ҳисор тоғ тизмалари бағрида, Тожикистон билан чегарадош бу ҳудудларга етиб боришнинг ўзи катта меҳнат эди.

Рустам МУХТОРОВ,
Шаҳрисабз туманидаги “Мираки”, “Ҳисорак”, “Кўл”, “Сайёд”, “Сарчашма”, “Ғелон” ва Амир Темур номидаги маҳаллалар солиқ инспектори.

Транспорт қатновининг мураккаблиги туфайли минглаб аҳоли туман марказига ҳам зарурат туғилгандагина йўл олар, кундалик ҳаёт эса тоғлар бағрида ўз оқимида давом этарди.

Солиқ тизимида 21 йил ишлаган мутахассис сифатида бир нарсани аниқ айта оламан: солиқ инспекторлари “маҳалла еттилиги” таркибига киритилгунга қадар бу ҳудудларга мунтазам бориш амалиёти деярли йўқ эди. Аҳоли йилда бир-икки марта туман марказига келиб, мол-мулк ва ер солиқларини тўлаб кетарди. Солиқчи билан хонадон ўртасидаги муносабат асосан шу ҳисоб-китоб доирасида қоларди.

Сўнгги тўрт йилда эса бу муносабатнинг мазмуни ўзгарди. Белгиланган кунларда маҳаллаларга бориб, ҳудуднинг имкониятлари, аҳолининг турмуш шароити ва мавжуд ресурсларини ўргана бошладик. Жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва ер майдонлари хатловдан ўтказилди, деҳқон хўжаликлари рўйхатга олинди. Энг муҳими, аҳолига солиқ имтиёзлари ва енгилликларни тушунтириш билан бирга, **мавжуд имкониятдан қандай қилиб даромад олиш мумкинлиги ҳақида ҳам маслаҳат беришга ҳаракат қилдик.**

Меҳмон уйи ташкил этиш, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш, ҳунармандчилик, чорвачилик, деҳқончилик ва туризм хизматларини ривожлантириш каби йўналишлар шунчаки тавсия сифатида қолиб кетмаслиги учун амалий кўмак кўрсатилди. Шу тариқа солиқчининг маҳалладаги вазифасига яна бир муҳим мазмун қўшилди: **назорат қилишдан олдин тушуниш, талаб қилишдан аввал йўл кўрсатиш.**

Бу ёндашувни шартли равишда “хонадон — фаолият — даромад — солиқ” занжири, деб аташ мумкин. Аввало, хонадондаги имконият аниқланади. Кейин у фаолиятга айланади. Фаолият даромад келтиради. Даромад эса солиқ тизимида ўз ифодасини топади. Демак, солиқ тушуми жараённинг бошланиши эмас, балки иқтисодий фаолликнинг натижасидир.

Тоғли ҳудудларда буни туризм мисолида яққол кўриш мумкин. “Ғелон” маҳалласида яшовчи Ғайрат Садриқулов туризм соҳасидаги солиқ имтиёзлари ҳақида маълумот олгач, ўз хонадонида оилавий меҳмон уйини ташкил этди. Бир оилада бошланган бу ҳаракат бошқаларга ҳам таъсир қилди. Сўнгги икки йилда “Сайёд”, “Ғелон” ва “Мираки” маҳаллаларида оилавий меҳмон уйлари сони 130 тага етди. Жорий йилнинг ўзида “Ғелон” маҳалласи ҳудудидан оқиб ўтувчи Оқдарё бўйида 23 та меҳмон уйи фаолияти йўлга қўйилди.

Бу ҳудудларда табиатнинг ўзи катта имконият. Ўзбекистондаги энг йирик шаршаралардан бири — “Сувтушар” ҳам “Сайёд” маҳалласидаги шу номли қишлоқда жойлашган. Ҳар йили август ойларида ушбу манзилларга ўн мингдан ортиқ меҳмон келади.

Тоғли ҳудуддаги яна бир муҳим ресурс — ер. “Ҳисорак” маҳалласининг тоғли ҳудудларида 3 200 гектар қўриқ лалми ерга 12 километр олисдаги “Ҳисорак” сув омборидан сув тортиш орқали янги иқтисодий фаоллик учун шароит яратилди. Натижада 250 та янги деҳқон хўжалиги ташкил этилиб, уларга 50-60 гектардан ер ажратилди. Асосий йўналиш — картошкачилик. Бу ташаббусда 30 та фермер хўжалиги ҳам иштирок этаётир.

Демак, тоғли ҳудуднинг ўзи ўзгармаган. Тоғлар ҳам, ерлар ҳам, дарё ва шаршаралар ҳам аввалгидек. Ўзгарган нарса — уларга бўлган қараш.

Шу қараш натижасида маҳаллаларда якка тартибдаги тадбиркорлар сони 150 тага, юридик шахслар 70 тага, деҳқон хўжаликлари 2 476 тага етди. Ҳудуд имкониятларидан келиб чиқиб, 3 920 нафар фуқаро деҳқончилик, чорвачилик ва боғдорчилик йўналишларида ўзини ўзи банд қилди.

Солиқчи маҳаллага борганда ҳудуднинг келажагини ҳам кўриши керак. Чунки иқтисодий фаоллик тайёр ҳолда келмайди. Уни излаш, тушуниш, қўллаб-қувватлаш ва ҳаракатга айлантириш лозим. Бугун тоғлар бағрида шаклланаётган янги иқтисодий муҳит ана шу ёндашувнинг натижасидир. Келгусида экотуризм, меҳмон уйлари, миллий таомлар, ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш каби йўналишларни ривожлантириш учун ҳали катта имкониятлар бор.

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

“ТАҲЛИЛЛАРДА ЖИНОЯТЧИЛИК ҚАЙСИ ҚАТЛАМДА КЎПЛИГИ ВА БУНГА АЙБДОРЛАР ҲАМ АНИҚ БЎЛДИ”



Эрта тонгдан бошланиб, ярим тунгача давом этадиган фаолиятимиз инсонлар тақдирига дахлдор. Мисол учун, бир куни ажралиш ёқасига келиб қолган оилани сақлаб қолиш учун соатлаб суҳбатлашишга тўғри келса, бошқа куни қўшнилар ўртасидаги жанжални ҳал қилиш керак бўлади.

Достон МЕЛИЕВ,
Тошкент туманидаги “Чувалачи” маҳалласи профилактика инспектори.

Ҳаётим — шу ҳудуднинг кўчаларида, одамларнинг қувончу ташвишлари ичида кечади. Шунингдек, маҳалла аҳли ширин уйқудалигида кўчалар осойишталигини назорат қилиб борамиз. Кўпинча адашиб жиноят йўлига кириб қолган ёки жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган фуқароларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига, ишга жойлашишига кўмаклашамиз.

Маҳалламизда бир оила бор эди. Эр-хотин арзимаган рўзғор ташвиши, моддий етишмовчилик орқасидан ҳар куни жанжал қиларди. Қўшнилар тунда мени чақиришди. Борсам, вазият жиддий, аёл уч боласини олиб, уйдан чиқиб кетмоқчи. Мен уларни жазолаш ёки баённома тузиш йўлини танламадим. Маҳалла раиси ва оқсоқолларни жалб қилиб, эр билан алоҳида, хотин билан алоҳида гаплашдик. Эрига иш топишда кўмаклашдик. Орадан икки йил ўтди, яқинда ўша хонадонда чақалоқ йиғиси эшитилди. Кўчада мени кўриб қолган ўша ота кулимсираб қўл бериб кўришади. Мана шу мен учун энг катта мукофот.



Маҳалламизда жиноятчилик тўлиқ тугатилган. Айниқса, ёшлар, хотин-қизлар билан ишлаш тажрибамиз кўпчиликка ибрат бўлмоқда. Ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг илдизи кўпинча оиладаги носоғлом муҳитга бориб тақалади. Ота-онанинг эътиборсизлиги ёки доимий жанжаллар фарзандни кўчага, салбий оқимлар таъсирига солади. Биз ана шу таҳлиллар асосида алоҳида режали иш ташкил этганмиз. Айниқса, ижтимоий кўмакка муҳтож хотин-қизлар рўйхатини шакллантириш, улар билан доимий мулоқот олиб бориш, муаммоларини жойида ҳал этиш ҳамда манзилли ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган.

Жиноятчиликка қарши курашда илмий ёндашув жорий этилгани ишимизни янада енгиллатди. Таҳлилларда жиноятчилик қайси қатламда кўплиги ва бунга айбдорлар ҳам аниқ бўлди. Табиийки, бу хулосалар ёрдамида вақтимиз тежаляпти.

Тизимда ижобий ўзгаришлар кўп, аммо ҳаётий тажрибадан келиб чиқиб, профилактика инспекторлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш учун қуйидаги таклифларни илгари сурмоқчиман. Аввало, инспектор хизмат қилаётган маҳаллада яшаши керак. Бу ҳудуддаги вазиятни туну кун назорат қилиш имконини беради. Шу боис хизмат уйлари ёки имтиёзли уй-жойлар билан таъминлаш тизимини янада кенгайтириш лозим.

Ҳар куни жанжал билан тўқнашадиган ходимларга мунтазам равишда профессионал психологлар кўмаги зарур. Уларга низоли вазиятларда муросасоз сифатида қонуний ва психологик йўл тутиш бўйича махсус курслар ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

Баъзан кун бўйи маҳаллани айланиб, одамларнинг дардини эшитиш ўрнига, компьютер қаршисида ҳисобот тўлдириш, тизимга маълумот киритиш билан вақт йўқотмаслик учун электрон тизимларни янада соддалаштириш лозим.

ТАҲЛИЛ

СОЛИҚ ҚАРЗДОРЛИГИНИ ҚАНДАЙ КАМАЙТИРИШ МУМКИН?

Мамлакатимизда мол-мулк ва ер солиқларининг маъмурчилигини ислоҳ қилиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Шу билан биргаликда солиқ ислоҳотларини самарали амалга оширишга тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, мол-мулк ва ер солиғи учун тўлов хабарномалари учун сарфланаётган маблағлардир.

Усмон ОТАҚУЛОВ,
Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва фискал таҳлиллар институти эксперти.

Таҳлилий маълумотларга кўра, тўлов хабарномаси учун қоғоз сарфи 889,8 миллион сўм, принтер сарфи учун 323,5 миллион сўм, жами харажат 1 миллиард 213,3 миллион сўмни ташкил қилмоқда. Бунга ишчи кучи сарфи ва харажати киритилмаган. “SMS” хабарнома хизмати орқали бир йилда 4 марта хабар юборилса, бир йиллик харажат 1 миллиард 164,8 миллион сўмни, жами харажат 2 миллиард 378,2 миллион сўмни ташкил қилмоқда.

Маҳаллага бириктирилган солиқ инспекторларининг асосий вазифаси — мол-мулк ва ер солиқларини ундириш билан боғлиқ. Ходимга самарадорлик кўрсаткичи бўйича 28 та кўрсаткичдан энг кўп балл ҳам жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари бўйича белгиланган, яъни 16 фоизни ташкил этади.

Таҳлилларга қарайдиган бўлсак, 2025 йилда мол-мулк ва ер солиқлари бўйича жами тушум 3 триллион 797,6 миллиард сўм *(81 фоиз)*ни ташкил этди. Қолган 859,8 миллиард сўм қарздорликнинг ярмидан кўпи — 462,5 миллиард сўми *(53 фоизи)* корхона ва ташкилотларда ишловчи ходимларга тааллуқли. Жами тушум маҳаллий бюджетнинг 5,6 фоизини қоплайди.

Ер солиғи тушуми *(2 триллион 248,7 миллиард сўм)* мол-мулк солиғига *(1 триллион 548,9 миллиард сўм)* нисбатан 45 фоиз юқори. Қарздорлик *(859,8 миллиард сўм)* жами ҳисобланган солиқнинг 18,4 фоизини ташкил этади — бу солиқ базасини тўлиқ ундиришдаги тизимли камчиликни кўрсатади.

Юқорида айтганимиздек, умумий қарздорликнинг 53 фоизи корхона ходимларига тўғри келади. Бу иш берувчилар орқали ушлаб қолиш тизимини жорий этиш орқали 462,5 миллиард сўм қарздорликни қисқартириш имкони борлигини кўрсатади. Агар ушбу тизим самарали ишласа, қарздорлик умумий тушумга нисбатан 12 фоиздан 6 фоизга тушади.



Бу занжир солиқ инспектори харажатидан ундириш натижасигача бўлган йўлни кўрсатади. “KPI” тизимида мол-мулк ва ер солиғига ажратилган 16 фоиз улуш асосида ҳисобланганда, бир ходимга йилига 21,7 миллион сўм сарфланиб, 35,9 миллион сўм ундирилмоқда. Соф иқтисодий самара — ходим бошига қўшимча 14,2 миллион сўм.

Бир нафар солиқ инспекторининг ойлик мол-мулк ва ер солиғи ундириш харажати 1,81 миллион сўмни ташкил этса-да, ундириш суммаси 2,99 миллион сўмга тенг. Яъни, харажатдан 1,18 миллион сўм кўп маблағ жалб қилинмоқда.

Бироқ **асосий муаммо ундириш самарадорлиги эмас, балки ходимлар даромадидан ушлаб қолиш тизимини кучайтириш масаласидир.** Демак, қарздорликнинг ходимлар улуши бўйича иш берувчилар орқали ундириш тизимини такомиллаштириш орқали қарздорликни камайтириш имконияти мавжуд.

Биринчи навбатда, мол-мулк ва ер солиқларини ундиришда қўлланилаётган солиқ инспекторларининг самарадорлик кўрсаткичи (KPI) тизимини ислоҳ қилиш ва қарздорликни ундириш тизимини такомиллаштириш ҳамда жавобгарлик чорасини кучайтириш лозим.

Иккинчиси, ипотека орқали “эскроу” тизимини жорий қилиш, яъни, банк ҳар ой ходимдан солиқ суммасини 1/12 қилиб ушлаб бориш орқали давлатга тўлаш тизимини жорий қилиш керак.

Учинчиси, корхоналарни мол-мулк ва ер солиғини тўлаш жиҳатдан солиқ агентига айлантириш — мол-мулк солиғини ойлик иш ҳақидан ходимнинг ёзма аризаси бўлмаган ҳолда ҳам ушлаб қолиш тизимини яратиш лозим. Иш берувчи томонидан солиқлар ушлаб қолинмаган ҳолда, солиқ органи тўғридан-тўғри корхонага даъво қилиш ваколатига эга бўлиши керак.

Тўртинчиси, кўчмас мулк объектларини ҳар йили бозор баҳосидан келиб чиқиб, онлайн баҳолаш тизимини жорий қилиш, шу орқали солиқ базасини шакллантириш зарур.

ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИНГИЗ?

Кундалик фаолиятимиз фақат жиноят содир этилгандан кейин воқеа жойига етиб боришдан иборат эмас. Аксинча, ўша кўнгилсизликнинг олдини олиш, инсонларни тўғри йўлга бошлашдир. Навбатдаги иш кунимда маҳалламиздаги алоҳида эътибор ва назоратда турувчи 32 тоифага киритилган фуқаролар билан олиб борган манзилли профилактик суҳбатлар айни шу мақсадга хизмат қилди.

“Профилактик суҳбат, бу — мажлисбозлик, дегани эмас”

Нодир САИДНАБИЕВ,
Касби туманидаги “Оққамиш” маҳалласи профилактика инспектори.

Кейинги пайтда хонадонма-хонадон юриш орқали аҳоли муаммолари ўрганилиб, унга ечим топилмоқда. Хўш, бу тадбирларнинг нафи нимада кўринмоқда? Кўпчилик “профилактик суҳбат”, деганда расмий, қуруқ гаплардан иборат мажлисбозликни тушуниб қолган. Аммо амалда буни ўзгартира олдик. Хонадонга кирганимизда шунчаки қонун ва бандларни ўқиб бермай, балки ўша оиланинг муҳитини ўзгартиряпмиз.

Суҳбатлар давомида қонунбузарликнинг аянчли оқибатларини ҳаётий мисоллар билан тушунтиришга ҳаракат қиляпман.

“Бир сониялик жаҳл ёки масъулиятсизлик инсонни йиллар давомида эркинликдан маҳрум қилиши, бутун бир оилани сарсон этиши мумкин. Сизнинг ортингизда кутаётган фарзандларингиз, ота-онангиз бор”, — деган оддий, аммо юракка етиб борадиган гаплар баъзан ҳар қандай жаримадан кўра таъсирлироқ бўляпти.



Бу галги тадбирда фуқароларнинг фақат хатоларини муҳокама қилмадик. Уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини англатиш бўйича ҳам тушунтиришлар бердик. Энг муҳими — маҳалладошларимизга мавжуд муаммоларни қонуний йўл билан ҳал этиш бўйича ҳуқуқий тавсиялар бердик.

Профилактик тадбир давомида шахсий муаммолари, турмуш шароити ва таклифларини ҳам алоҳида тингладим. Бири ишсизликдан қийналаётганини, шу сабаб оиласида тинчлик йўқлигини айтди. Уни “маҳалла еттилиги” билан бирга бандлигини таъминладик. Яна бири қўшниси билан ер талашаётганини баён қилди. Қонуний ечим кўрсатиб, низонинг жиноятга айланиб кетиши олди олинди. Муаммо вақтида тингланса, қонуний ечим топилса, ўша ҳудудда хавфсиз муҳит таъминланади.

Ўтказилаётган бу каби тадбирлар фуқаролар билан манзилли, юзма-юз ишлаш — жиноятчиликка қарши энг кучли қалқон эканини исботлади. Биз одамларни жазолашга эмас, уларни асрашга масъулмиз.

Шу ўринда соҳага доир таклифимни ҳам билдириб ўтмоқчиман. Оғир тоифага кирувчи фуқаролар билан фақатгина профилактика инспектори шуғулланмаслиги керак. Бу борада “еттилик” ходимларининг ҳамкорлигини янада кучайтиришимиз лозим. Қувонарли жиҳат, маҳалладошларимиз мени кўрганда ҳадикни эмас, балки адолат ва хавфсизликни ҳис қилишади. Ҳар қанадай масалада тортинмай, маслаҳат сўрашади.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.





2026 йил 1 октябрдан бошлаб, тадбиркорлар МОЛИЯВИЙ ЖАРИМАНИ БЎЛИБ-БЎЛИБ ТЎЛАШЛАРИ мумкин бўлади.



БУХОРО ШАҲРИНИНГ ТАРИХИЙ ҚИСМИДА эндиликда йўловчи ташишга мўлжалланмаган воситалар ҳаракати чекланади.



Бухоро шаҳрида аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган йирик МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИДА 10 МИНГ 745 ТА БЎШ ИШ ЎРНИ таклиф этилди.

БИР БЕКАТ, ИККИ БЕФАРҚЛИК: автобусдаги муаммо қаердан бошланади?

“...79-автобус “ТТЗ-2” мавзесидан мени олиб кетмади. Пандусни тушириб беришини сўраб олдига яқинлашсам, эшитиб турган бўлса-да, эшигини ёпиб, кетиб қолди. Ўрта эшик очилмайди, деди. Иссиқда буюмларим билан қолиб кетдим...”

Сожида ЭШМАТОВА, журналист.

Бу мурожаатни ўқиб, беихтиёр бир савол туғилади: **жамоат транспортида биз бир-биримизни кўрмай қўйдикми?** Автобус — ҳар куни минглаб одамларни манзилига етказадиган жамоат транспорти. Аммо унинг ичида ҳайдовчи билан йўловчи ўртасидаги муносабат баъзан жамиятдаги муомала маданиятининг кичик кўзгусига айланади. Бир ёнда — режа, вақт, тирбандлик, йўлдаги босим билан ишлаётган ҳайдовчи. Иккинчи томонда — ишга, шифохонага, бозорга, уйига шошаётган, иссиқда ёки совуқда бекатда кутаётган йўловчи.

Муаммо шундаки, ҳар икки томон ҳам баъзан қаршисидаги одамнинг ҳолатини унутиб қўяди. Ҳайдовчи учун — навбатдаги бекат. Йўловчи учун эса — бутун бир муаммо...

Ҳайдовчининг ишини ҳам осон деб бўлмайди. У белгиланган вақтда қатновни бажариши, тирбандликда ҳаракатланиши, йўл хавфсизлигини таъминлаши керак. Бир неча сония кечикиш ортидан кейинги бекатларда яна ўнлаб одамларнинг эътирози пайдо бўлиши мумкин. Аммо бу босим йўловчига қўпол муомала қилиш ёки унинг эҳтиёжини кўрмаслик учун сабаб бўла олмайди.

“Автомобил транспортида йўловчилар ва багажни ташиш қоидалари”га кўра, автобус ҳайдовчиси бекатда йўловчилар тўлиқ тушиб-чиқиб бўлганидан кейингина ҳаракатни давом эттириши керак. Шунингдек, ҳомиладор аёллар, кекса фуқаролар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун автобус салонида алоҳида ўриндиқлар ажратилиши белгиланган.

Демак, жамоат транспортида хизмат маданияти ҳам хавфсизлик каби муҳим. Аммо йўловчи ҳам ҳар доим ҳақ эмас. Буни ҳам тан олиш керак. Баъзи йўловчилар бекатни кутмайди. Автобус светофорда тўхтаганида эшик очилишини талаб қилади. Ҳайдовчига бақиради, йўлнинг ўртасида тушишни сўрайди. Қоидага кўра эса йўловчиларни автобусга чиқариш ва тушириш, одатда, белгиланган тўхташ жойларида амалга оширилади.

Яна бир муаммо — йўловчининг автобусга чиққач, эшик олдида қотиб қолиши, тушадиганларга йўл бермаслиги, кексалар ёки ҳомиладор аёлларга ажратилган жойларни бўшатмаслиги. Яъни муомала маданиятини фақат ҳайдовчидан талаб қилиб, йўловчининг масъулиятини унутиб бўлмайди. Бир оғиз гап баъзан катта жанжалнинг олдини олади.



Тасаввур қилайлик, ҳайдовчи пандусдан фойдаланишнинг имкони бўлмаганини тушунтириб, мулойим тарзда кейинги мос автобусни кутишни тавсия қилди. Йўловчи ҳам вазиятни тушунишга ҳаракат қилди. Эҳтимол, ўша вазиятда ҳеч кимнинг кайфияти бузилмасди. Аксинча, ҳайдовчининг индамай эшикни ёпиб кетиши ёки йўловчининг ҳақорат билан жавоб қайтариши эса оддий вазиятни можаро даражасига олиб чиқади.

Аслида, жамоат транспортидаги кўплаб келишмовчиликларнинг илдизи бир-бирини эшитмасликда. Бугун автобусда бир киши “мени нега кутмади?”, дейди. Бошқаси “нега ҳайдовчи қўпол гапирди?”, дейди. Яна бири “нега одамлар эшик олдидан четга чиқмайди?”, деб норози бўлади. Шикоятлар кўпаяди, норозилик ортади. Аммо ҳар ким ўзини ҳақ, қаршисидагини эса айбдор деб билаверса, муаммо жойида қолаверади.

ОДАМЛАР ОРАСИДА...

Жамоат транспортидаги келишмовчиликларнинг олдини олиш, аввало, ҳар икки томоннинг масъулиятидан бошланади. Йўловчи белгиланган бекатларда тушиб-чиқиш қоидаларига риоя қилиши, йўл ҳақини тўлаш учун картасини олдиндан тайёрлаши, ҳайдовчининг катта транспорт воситасини бошқараётганини ҳисобга олиб, унинг диққатини чалғитмаслиги керак.

Ҳайдовчи эса йўловчи билан мулоқотда касбий этика ва хушмуомалаликни сақлаши, кескин вазиятларда вазминлик билан тушунтириш бериши муҳим. Бунинг учун транспорт ҳодимлари билан мулоқот маданияти ва руҳий зўриқишни бошқариш бўйича мунтазам тренинглар ўтказилиши ҳам фойдали. Чунки йўлдаги ҳар бир келишмовчиликни тортишув орқали ҳал этгандан кўра, унинг олдини олиш, бир-бирини эшитиш ва ҳурмат қилиш орқали муросага келиш самаралироқ.

ҚАДРИЯТ ВА ЗАМОН

БИР ЯХШИЛИКНИНГ МИНГТА КЎЗИ БЎЛИШИ ШАРТМИ?

Ёшлигимда отам билан дастурхон атрофида кўп гаплашардик. Баъзан у киши кун давомида қишлоқдаги фалончининг ишини битириб бергани, фалон қўшнига керакли нарсани етказгани, яна бир танишимизнинг боласига ўқишга киришида кўмаклашгани ҳақида гапириб қолардилар.



Рустам ЁҚУБОВ, Шофиркон тумани.

Биз эса болалик қизиқишида: “Дада, кимга ёрдам бердингиз?” деб сўрардик. Шунда отам бир гапни кўп такрорлардилар: **“Болам, ўнг қўлинг қилган ишни чап қўлинг билмасин. Кимгадир яхшилик қилсанг, уни одамлар олдида юзига солиб юрмагин”. Кейин яна бир гапни уқтирардилар: “Муҳтож одамга ёрдам бермоқчи бўлсанг, имкон қадар унинг кўзига қараб туриб бермагин. Кимдир орқали етказ. Эртага у сени кўрганда, бошини эгиб, ўзини қарздордек ҳис қилмасин”.**

Ўша пайтларда бу гапларнинг маъносини тўла англамаган эканман. Бугун эса одамларнинг бир-бирига қилаётган яхшиликларини кўриб, отамнинг ўша насиҳатлари хаёлимга тез-тез келади. Ахир бизнинг халқимизда яхшиликнинг ҳам ўз одоби бўлган. Қўни-қўшнининг томи кўчса, маҳалла аҳли ҳашар билан тиклаган. Кимнингдир уйида тўй бўлса, қўлидан келганча кўмаклашган. Бирор хонадонга оғир кун тушса, одамлар “нима ёрдам керак?” деб ёнига борган. Ҳашарнинг ўзи ҳам шунчаки меҳнат эмас, бегараз ёрдам ва жамоавий меҳр-оқибатнинг қадимий кўриниши сифатида шаклланган.

Энг муҳими, бундай ёрдамнинг алоҳида томошабини бўлмаган. Бировнинг қўлига бир қоп ун тутқазиб, “мана, сенга бердим”, деб маҳалла кўчасини бошига кўтаришмаган. Етимнинг эҳтиёжини кўриб, унинг расмини олиб, элга кўрсатишмаган. Қариндошининг мушкулини енгиллатган одам эртаси куни унинг олдидан кўкрагини кериб ўтмаган. Чунки халқ яхши билган: бундай ёрдам ўша одамнинг иззат-нафсига тегади. Иззатини синдириб берилган кўмак эса кўнгилда оғир из қолдириши мумкин.

Аждодларимизнинг **“Яхшилик қил, сувга сол, балиқ билмаса, Холиқ билар”, “Яхшилик қил, уйинга айтма”, “Ўнг қўлинг берсин, чап қўлинг билмасин”**, деган ҳикматлари ҳам бежиз пайдо бўлмаган.

Бугун эса саховатнинг ўзи билан бирга унинг кўриниши ҳам муҳим бўлиб бораётгандек. Муҳтож оилага озиқ-овқат олиб борилади — телефон ишга тушади. Кекса ота-онага совға қилинади — аввал суратга туширилади, кейин совға узатилади. Бирор кишининг қарзи ёпиб берилади — буни ҳам минглаб одам кўриши керакдек. Баъзан ёрдам олаётган инсоннинг уйига, юзига, ҳаётидаги энг оғир ҳолатига қадар бегона кўзлар кириб боради. **“Ёрдам берилди”, деган чиройли ёзув остида эса ўша одамнинг энг нозик, энг яширин дарди оммага намойиш этилади.**

Балки буни эзгуликка чақириш, бошқаларга ўрнак бўлиш, деб ўйлаётгандирмиз. Албатта, ижтимоий тармоқларнинг яхши жиҳати ҳам бор. Бирор муҳтожга ёрдам кераклигини оммага етказиш, саховатпеша инсонларни бирлаштириш, кўпчиликни ҳашар ёки хайрия ишига чорлаб, катта муаммони биргаликда ҳал қилиш мумкин. Аммо бир савол кўнгилни безовта қилади: **биз яхшиликни кўпайтиряпмизми ёки яхшиликни кўрсатиш истагинимизми?**

Саховат билан мақтанишнинг орасида жуда нозик, аммо муҳим бир чегара бор. “Мен ёрдам бердим”, “мен совға қилдим”, “мен фалончининг муаммосини ҳал қилдим”, деган гаплар кўпайгани сари яхшиликнинг марказида ёрдам олувчи эмас, ёрдам берувчининг ўзи пайдо бўлиб қолмаяптимикан?

Динимиздаги насиҳатларда ҳам садақани миннат ва озор билан аралаштирмаслик, имкон бўлса, уни махфий қилиш таъкидланади. Бу одатнинг тагида жуда катта маъно бор: муҳтож одамга нафақат моддий ёрдам берилиши, балки унинг инсоний қадр-қиммати ҳам сақланиши керак. Шунинг учун отамнинг ўша дастурхон бошидаги гаплари бугун менга янада чуқурроқ туюлади. **“Яхшилик қилганингдан кейин унинг олдидан гердайиб ўтма. Агар ёрдам берганингни эслатиб туришингга тўғри келаётган бўлса, демак, яхшилигингни ҳали ўзинг ҳам унутмагансан”**, дердилар.

Эҳтимол, бугун бизга айнан шу эски насиҳатлар керакдир. Ҳар бир ёрдамни камерага туширишдан олдин бир лаҳза ўйлаб кўрсак: агар бу ишни ҳеч ким кўрмаса ҳам қилармидик? Агар жавоб “ҳа” бўлса, демак, яхшилик ҳали ўз жойида. Чунки чин саховатнинг энг катта гувоҳи оломон эмас. У — ёрдам олган инсоннинг кўнглида қолган миннатдорлик ва уни хижолатга қўймаган инсоннинг виждонидир.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

“МЕҲМОНЖОНИМ...”

Қиз бола қайси хонадонда туғилганидан қатъи назар, у маҳалланинг ҳам фарзанди!

Водий қишлоқларида қиз болани “меҳмонжоним”, деб эркалашади. Бу сўзни эшитган одам, аввало, меҳрни ҳис қилади. Аммо унинг замирида бир авлоддан иккинчисига ўтиб келаётган нозик бир тарбия фалсафаси бор...

Мавлуда ЙЎЛДОШЕВА, Гулистон шаҳар бош отинойиси.



Меҳмон — азиз бўлади. Унинг кўнглига қаралади, қадри сақланади, дуоси олинади. Қиз болага “меҳмонжоним” деб мурожаат қилишда ҳам шундай бир маъно бор: у ота уйида ардоқланиб улғаяди, аммо бир кун келиб ўз оиласи, ўз манзили бўлади. Шунинг учун **“қиз бола бировнинг ҳасби”, яъни омонати,** дейилади. Омонатнинг эса қадри баланд бўлади. Уни асрайдилар, эҳтиёт қиладилар, ишончни оқлашга ҳаракат қиладилар.

Қиз бола оила ҳақида, аввало, ўз уйида тасаввур ҳосил қилади. Ота қизининг қўлидан тутар экан, унга фақат бугунги куннинг фарзанди сифатида қарамайди. Унинг кўнглида **эртанги келин, рафиқа, она тимсоли** ҳам шаклланиб боради. Онаси эса қизига рўзғор сирларидан олдин одамийликни ўргатади: каттага ҳурмат, кичикка иззат, меҳнатга ҳалоллик, кўнгилга эҳтиёткорлик.

Шу маънода қиз фарзандни тарбиялаш — уни фақат бир кун турмушга чиқишига тайёрлаш эмас. Бу — келажакдаги бир оиланинг маънавий пойдеворига ғишт қўйишдир.

Аммо “меҳмонжоним” деган сўз қиз болани ҳаётдан асраш, уни ҳар қандай масъулиятдан четлатиш маъносини англатмайди. **Аксинча, меҳмонжоннинг йўли узоқ бўлгани учун унга ҳаёт сабоқларини кўпроқ бериш керак.** У меҳнат қилишни, қарор қабул қилишни, одамлар билан муомала қилишни, қийинчиликка сабр билан қарашни ва энг муҳими, ўз қадрини асрашни билиши лозим.

Қиз узатилган куни ота-она бир фарзандини йўқотмайди. Фақат унинг ҳаётидаги манзил ўзгаради. Ота уйидаги хоналардан бирида қолган унинг болалик излари эса йиллар ўтса ҳам ўчмайди. Дастурхон атрофида унинг ўрни сезилади, онасининг кўзи эшикка қараб қолади, отаси эса қизининг овозини телефон орқали эшитиб ҳам кўнгли тўлади.

Қизининг янги хонадонда ҳурмат топиши, ўзини бегона сезмаслиги, эридан суянч, қайнона-қайнотасидан меҳр кўриши — ота-онанинг ҳақиқий бойлиги шу.

Янги хонадонга келган қиз ҳам бировнинг фарзанди эканини унутмаслик — келинни қабул қилган оиланинг тарбиясини кўрсатади. У бир ота-онанинг йиллар давомида меҳр билан тарбиялаган фарзанди, бир оиланинг ишончи билан топширган омонати. Шу боис қиз бола — шунчаки бир хонадондан иккинчисига кўчиб борадиган фарзанд эмас. У икки оила ўртасидаги ишончнинг давоми.

Шунинг учун “меҳмонжоним”, деган сўзда меҳр бор. Унда қиз боланинг бир кун кетишини билиб туриб, бугун уни қадрлаш бор. Унда ота-онанинг “сен бизникисан”, деган меҳри билан “бир кун ўз уйинг бўлади”, деган ҳаёт ҳақиқатини уйғунлаштирган ўзбекона ҳикмат бор...

Бугун бу ҳикматни фақат оила доирасида эмас, маҳалла ҳаётида ҳам қайта англаш керакдек. Чунки қиз бола қайси хонадонда туғилганидан қатъи назар, у маҳалланинг ҳам фарзанди. Унинг тарбиясида ота-она билан бирга атрофидаги муҳит, қўни-қўшни, нуронийлар ва жамоатчиликнинг муносабати ҳам муҳим ўрин тутади. Қизни асраш дегани, ҳаётда ўз йўлини топиши учун унга тўғри муҳит, билим ва ишонч беришдир.

Шунинг учун маҳаллада қиз болага қарашни ҳам бироз бошқача тушуниш керак: уни фақат “келажакдаги келин” сифатида эмас, аввало, ўз орзуси, қобилияти ва қадри бор инсон сифатида кўриш. Шунда “меҳмонжоним” деган эркалаш сўзи фақат қиз боланинг бир кун ота уйидан кетишини англатмайди. У бугун уни асраш, эртага эса ҳаётга ишонч билан кузатиш маъносини касб этади.

Қиз бола ота уйининг меҳмонидир, дейдилар.

Меҳмон кетади...

Меҳри қолади...


Омонат топширилади...

Аммо унинг тарбияси, дуоси ва изи икки хонадонда ҳам яшайверади!

ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ ЯНГИ “ҚАЛҚОН” ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?

БИЛИНГ ВА ФОЙДАЛАНИНГ!

2025 йилнинг ўзида фирибгарлар ўзбекистонликларнинг салкам 1,9 триллион сўм пулини ўзлаштирган. Кибержиноятлар сони эса 2021-2025 йиллар оралиғида 11 баробар ошиб, 62 минг 440 тага етган. Айни жиҳат ҳисобга олиниб, Марказий банк тижорат банклари ва тўлов иловалари учун “антифрод” (фирибгарликка қарши) тизими талабларини ишлаб чиқди.



“Сохта банк ходимлари” бўлмайди

Агар сиз кимгадир пул ўтказаётган пайтингизда телефонингизда фаол қўнғироқ бўлаётган бўлса (масалан, ўзини “банк хавфсизлик бўлимиданман”, деб алдаётган фирибгар билан гаплашиб турган бўлсангиз) ёки телефонингизда экранни масофадан бошқарувчи дастур ёниқ бўлса, тизим буни автоматик тарзда камида ўрта даражадаги “шубҳали хавф”, деб баҳолайди. Бундай ҳолатда операция дарҳол тўхтатилиб, сиздан қўшимча текширув ва тасдиқ талаб қилинади.

Уч босқичли “фильтр” тизими ишлайди

Энди ҳар бир пул ўтказмаси хавфлилик даражасига қараб 3 га бўлинади. Хавфсиз бўлса — муаммосиз ўтади. Ўртача хавф туғдирса — операция тўхтатилиб, мижоздан тасдиқ сўралади. Хавф даражаси юқори бўлган (масалан, мутлақо нотипик жойдан, ғайриоддий операциялар қилинганда) ўтказмалар эса рад этилади.

Алданган мижоз ҳам ҳимояда бўлади

Фирибгарнинг қўнғироғига ишониб, ўз ихтиёри билан пулларни ўтказиб юборган мижозларнинг операциялари ҳам эндиликда “мижознинг розилигисиз амалга оширилган шубҳали операция” тоифасига киритилади.

Жавобгарлик бевосита банк раҳбарларида бўлади

Тизим яхши ишламаса ёки шубҳали операциялар ўтиб кетса, жавобгарлик бевосита банк бошқаруви ва тўлов тизими раҳбарлари бўйнида бўлади. Улар “антифрод” тизимига етарли маблағ, техника ва мутахассисларни ажратиши шарт. Яна бир қизиқ қоида: коррупцияни олдини олиш учун қоидаларни ўзгартириш ва блокланган пулларни очиш ҳуқуқи битта ходимга берилмайди.

Шикоятлар бўйича қатъий муддатлар ишлайди

Агар пулингиз шубҳали тарзда ечилса, банклар туну кун (24/7) ишлайдиган алоқа тармоғини тақдим этиши шарт. Шикоятингиз қабул қилингани 30 дақиқа ичида тасдиқланиши, 24 соат ичида дастлабки текширув ўтказилиши ва 5 календарь куни ичида (мураккаб ҳолатларда 20 кунгача) сизга якуний жавоб берилиши қатъий белгилаб қўйиляпти.


Умуман олганда, юқоридаги ҳолатлар тасдиқланганда, хавфсизлик талабларига риоя этилмагани сабабли кўрилган моддий зарар тўғридан-тўғри банк ёки тўлов ташкилотлари ҳисобидан ундирилади.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



Сурхондарёда Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг “ЭЗГУЛИК МАНЗИЛИ” ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ ўтказилди.



Бухоро 2027 йилда ЮНЕСКОнинг “ИЖОДИЙ ШАҲАРЛАР ТАРМОҒИ” халқаро анжуманига мезбон сифатида танлаб олинди.



Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейида “ЛАК МИНИАТЮРАСИДА РУС АДАБИЁТИ” кўргазмаси очилди.

МАҲАЛЛА КУТУБХОНАСИ

ЗЕБИНИНГ СУКУТИ ЖАМИЯТНИНГ ҲАЙҚИРИҒИ ЭМАСМИ АСЛИ?

Баъзан бир инсоннинг тақдири бутун бир жамиятнинг қиёфасини очиб беради. Унинг орзу-умидлари, кечинмалари ва ҳаёт йўли ортида замоннинг қарашлари, урф-одатлари, ижтимоий муносабатлар намоён бўлади.

Марям САЛИМЗОДА, Паркент туманидаги “Чинорли” маҳалласи.



Абдулҳамид Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романидаги Зеби тақдири ҳам шундай. Унинг ҳаётидаги изтироблар ва фожиалар орқали ёзувчи нафақат бир аёлнинг қисматини, балки инсон эрки чекланган, жаҳолат ва зўравонлик ҳукмрон бўлган муҳитни тасвирлайди.

Романнинг энг муҳим жиҳати шундаки, ундаги фожиа биргина қаҳрамоннинг шахсий муаммоси сифатида талқин этилмайди. Зеби тақдири — ўз хоҳиш-истакларини эркин ифода эта олмаган, ҳаётига дахлдор қарорларни қабул қилишда овози эшитилмаган аёллар қисматининг бадиий ифодасидир. Муаллиф бу орқали жамиятдаги иллатларни очиб беради, ўқувчини эса инсон қадри ва эркинлиги ҳақида мушоҳада юритишга ундайди.

Романдаги Раззоқ сўфи, Мирёқуб, Акбарали мингбоши ва бошқа қаҳрамонлар турли қарашлар, манфаатлар ҳамда ижтимоий мавқеларни ифодалайди. Уларнинг муносабатлари орқали муаллиф муҳитдаги маънавий зиддиятларни кўрсатади. Айниқса, мансаб ва бойликка таянган кишиларнинг бошқалар тақдирига таъсир ўтказиш имконияти, оддий инсоннинг эса бундай муносабатлар қаршисида ҳимоясиз қолиши асарнинг танқидий руҳини кучайтиради.

Аёл тақдири — жамият мезони

Зеби — гўзал, беғубор, самимий ва ҳаётга умид билан қарайдиган қиз. Аммо ўша даврда аёлнинг хоҳиши кўпинча иккинчи ўринга сурилади. Унинг келажаги, бахти ва турмуши ҳақида бошқалар қарор чиқаради. Шахс сифатидаги қадр-қиммати эса урф-одатлар, оилавий муносабатлар ва мавжуд ижтимоий тартиблар соясида қолиб кетади.

Асардаги шу ҳолат бугун ҳам муҳим бир саволни ўртага ташлайди: аёлнинг тақдири ҳақида гап кетганда, унинг ўз фикри ва танлови қай даражада инобатга олинади? Албатта, замонлар, қонунлар ва ижтимоий муносабатлар ўзгарган. Бугун қизларнинг таълим олиши, касб эгаллаши, жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун кенг имкониятлар мавжуд. Бироқ айрим оилаларда ҳали-ҳануз қизларнинг орзу-мақсадларини чеклаш, уларнинг мустақил қарор қабул қилишига тўсқинлик қилиш ҳолатлари учраб туради.

Шу маънода, Зеби образи фақат ўтмишга тегишли қаҳрамон эмас. У инсоннинг ички овозига қулоқ тутиш, унинг қадр-қиммати ва танлов ҳуқуқини ҳурмат қилиш зарурлигини эслатиб туради.

Жаҳолатнинг энг оғир оқибати


“Кеча ва кундуз”даги ижтимоий муҳитни тасвирлар экан, Чўлпон жаҳолатни фақат билимсизлик эмас, балки инсонни инсон сифатида қадрламаслик, ўзгалар тақдирига бепарво қараш, куч ва мавқе орқали ўз ҳукмини ўтказиш каби ҳолатлар билан ҳам боғлайди.

Роман номидаги “кеча” ва “кундуз” сўзлари рамзий маънога эга. “Кеча” — жаҳолат, эски қарашлар, эрксизлик ва маънавий қоронғуликни англатса, “кундуз” — уйғониш, маърифат ва озодликка интилиш тимсоли сифатида намоён бўлади. Асарнинг номиёқ ўқувчини ўтмиш ва келажак, зулмат ва ёруғлик, эскилик ва янгиланиш ҳақида ўйлашга ундайди.

Бироқ романнинг биринчи қисмида тасвирланган воқеаларда ёруғликка интилиш осон кечмайди. Қаҳрамонларнинг ҳаётидаги зиддиятлар, ижтимоий муҳитнинг босими ва инсон эркининг чекланиши орзулар рўёбини қийинлаштиради. Зебининг қисмати ҳам шу зиддиятларнинг аянчли натижасини кўрсатади.

Асарнинг “Кундуз” деб номланган иккинчи қисми муаллифнинг ҳаётидаги сиёсий воқеалар туфайли якунланмай қолган. Шу боис романни тўлиқ тугалланган бадиий манзара сифатида эмас, балки давоми кўзланган, аммо охирига етказилмаган асар сифатида ҳам баҳолаш лозим. Бу ҳолат унинг номидаги рамзий маъноларни янада ўйлантирувчи қилади: қоронғуликдан ёруғликка ўтиш жараёни қандай кечиши, жамиятнинг уйғониши нималарга боғлиқлиги ҳақидаги саволлар очиқ қолади.

Адабиётнинг вазифаси фақат ўтмишни эслаш эмас, балки бугунги кунга назар ташлашга ҳам ёрдам беришдир. “Кеча ва кундуз”ни қайта ўқиш орқали биз жамиятнинг кечаги муаммоларинигина эмас, улардан қандай хулоса чиқаришимиз кераклигини ҳам англаймиз. Зеро, ҳақиқий маърифат инсонни эшитишдан, унинг қадрини тан олишдан ва ўзгалар тақдирига бефарқ бўлмасликдан бошланади.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

МУЛОҲАЗА

ВИЖДОНИМИЗ ҚИЙМАТИ БИР ЧИПТА НАРХИЧА ЙЎҚМИ?

Кўпчилигимиз ҳар куни автобусга чиқамиз. Манзилимизга тезроқ етиб олишни ўйлаймиз. Кимдир ишга шошади, биров ўқишга, яна бошқаси бозор ёки шифохонага. Бир қарашда оддий кўринадиган бу жараён аслида кўплаб қоидалар асосида ташкил этилган.

Шаҳноза АКБАРАЛИЕВА.



Йўл ҳақини тўлаш, бошқа йўловчиларга халақит бермаслик, ҳайдовчи ва назоратчиларнинг қонуний талабларини бажариш — буларнинг барчаси жамоат транспорти маданиятининг бир қисми саналади. Аммо айрим ҳолатларда ана шу оддий қоидаларга муносабат жиддий муаммога айланмоқда.

Тошкент шаҳри Чилонзор туманида содир бўлган воқеа бунга бир мисол. Жорий йил 15 август куни назорат рейди давомида автобусдан тушган фуқародан йўл ҳақи тўланганини тасдиқловчи ҳужжат сўралган. Йўловчи эса назоратчи талабини бажаришдан бош тортиб, жанжал кўтарган ва куч ишлатишга уринган. Ҳодиса камерага қайд этилган.

24 сентябрь куни бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида унга 3 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланган.

МАСАЛА ФАҚАТ ЙЎЛ ҲАҚИДА ЭМАС

Жамоат транспортида ҳар куни минглаб одамлар ҳаракатланади. Агар ҳамма “қоидалар менга тегишли эмас”, “бир марта тартибни бузсам ҳеч нарса қилмайди”, “назоратчи ким бўлибди?”, деган қараш билан иш тутса, умумий интизомни сақлаб қолиш анча қийинлашади.

Қоидага эса ҳамма бирдек амал қилиши керак. Йўл ҳақини тўлаш ҳам ана шу умумий тартибнинг энг оддий талабларидан бири. Йўловчи автобусга чиқиши билан йўлкирани тўлаши шарт. Тўлов амалга оширилмаса, у чиптасиз ҳаракатланаётган ҳисобланади ва қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин.

Бугун жамоат транспортида тўлов интизомини ошириш мақсадида кучайтирилган назорат текширувлари ўтказилмоқда. Бу жараённинг мақсади фақат жарима солиш эмас. Тўлов тизими барқарор ишлаши, йўловчилар қоидага амал қилиши ва транспорт хизматларининг молиявий асоси таъминланиши учун зарур.

Назоратчининг иши ҳам осон эмас. У ҳар куни турли феъл-атвор ва қарашдаги юзлаб йўловчилар билан мулоқот қилади. Шу боис унга нисбатан ҳурматсизлик ёки тажовузкор муносабат нафақат муайян шахсга, балки жамоат тартибига нисбатан ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Транспорт вазирлиги маълумотига кўра, “Тошкент шаҳар йўловчи ташишни мониторинг ва назорат қилиш” давлат муассасаси назоратчилари ҳокимият вакили ҳисобланади. Уларга ҳужум қилиш, зўравонлик билан таҳдид қилиш ёки ҳақорат қилиш қонунчиликда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

МАДАНИЯТ АВТОБУСГА ЧИҚИШДАН БОШЛАНАДИ

Жамоат транспортидаги маданият фақат кексага жой бериш ёки бошқаларга ҳурмат билан муносабат кўрсатиш билан чекланмайди. Аввало, ўз қадр-қимматини билган киши зиммасидаги мажбуриятларни ҳам тўла-тўкис адо этиши зарур. Арзимаган пулни тежаб қолиш орқали ҳеч ким бойиб қолмаслиги аниқ бўлгани каби йўл ҳақини тўлаш билан даромадимиз ҳам камаймаслиги шубҳасиз. Шундай экан, ҳар биримиз жамият олдидаги фуқаролик вазифаларимизни адо этишга бунчалик хафсаласизлик билан ёндашишимиз кўплаб салбий оқибатларга олиб келади.

Назоратчи талабини бажариш — шахсий эркинликни чеклаш эмас, белгиланган тартибга риоя қилиш. Норози бўлганда жанжал эмас, қонуний йўлни танлаш эса ҳуқуқий маданият белгисидир. Чилонзордаги воқеа бир қарашда битта йўловчининг хатоси бўлиб кўриниши мумкин. Аммо унинг ортида жамият учун муҳим савол бор: биз қоидани фақат жазодан қўрққанимиз учун бажарамизми ёки унинг зарурлигини англаганимиз учунми?

Жавоб ҳар биримизнинг кундалик хатти-ҳаракатимизда намоён бўлади. Зеро, жамоат транспортида тартибни фақат назоратчи таъминламайди. У ердаги тартиб — ҳайдовчи, назоратчи ва, энг аввало, ҳар бир йўловчининг масъулиятидан шаклланади. Бир кишининг қоидага беписандлиги эса баъзан бутун автобусдаги осойишталикка дахл қилиши мумкин. **Шунинг учун автобусда йўл ҳақини тўлашни оддий мажбурият деб эмас, жамоатга ҳурматнинг энг оддий кўриниши, деб қабул қилиш вақти келди.**

ЯНГИ ДАВРНИНГ ЯНГИ ҲАЁТИ

“ЎЗ МЕҲНАТИМ ОРҚАЛИ ДАРОМАД ТОПСАМ...”

Тошкент вилояти Кўп функционал инклюзив ресурс мактабида ҳозирда 115 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Улардан 77 нафари ўғил болалар, 38 нафари эса қизлар. Жорий ўқув йилида мактабни 11 нафар ўқувчи тамомлайди.

Элбек ШОЙИМҚУЛОВ, журналист.

2026-2027 ўқув йилидан бошлаб мактабда электр-пайвандлаш асосида турли жиҳозлар ясаш бўйича касб тўгараги ташкил этилди. Унга мактабнинг технология фани ўқитувчиси Алихўжа Дадаев раҳбарлик қилмоқда.

Камар ишлаб чиқариш тўгарагида 14 ёшдан катта 21 нафар ўғил бола иштирок этмоқда.

Мактабда, шунингдек, пазандачилик, кулолчилик, сунъий гул ясаш ва тикувчилик курслари ҳам фаолият юритиб келмоқда. Ушбу тўгаракларга жами 66 нафар ўқувчи жалб қилинган.

Улар нафақат замонавий технологияларни ўзлаштириб, амалий кўникмалар ҳосил қилмоқда, балки келажакда касб-ҳунар эгаллаб, шу соҳа орқали даромад топиш имкониятига эга бўлмоқда.

Машғулот давомида тайёрланган маҳсулотлар турли ярмаркаларда сотувга қўйилиб, қўшимча маблағ келтирмоқда. Ушбу тушум эвазига зарур бўлган хомашё ва жиҳозлар харид қилиниб, жараён янада ривожлантириляпти.

Энг қувонарлиси, ўтган ўқув йилидаги битирувчилар орасида ушбу касб тўгаракларида иштирок этиб, ҳозирда ўз ҳунарлари орқали даромад топаётган ёшлар ҳам бор.

— Мен мактабнинг 5-синфида ўқийман. Дарсдан ташқари тикувчилик ва гуллар ясашни ўргандим, ***— дейди Шаҳризода Соипова.*** *— Бу машғулотлар менга жуда ёқади. Ўзим ясаган буюмларни кўриб, хурсанд бўламан. Келажакда мазкур соҳаларни янада яхши ўрганиб, ўз меҳнатим орқали даромад топишни истайман. Ота-онам ҳам менинг ҳунар ўрганаётганимдан хурсанд.*



Бу эса мактабда касбга йўналтириш ишлари самарали амалга оширилаётганидан далолат беради. Шу билан бирга, мазкур жараён ёшларнинг меҳнатсеварлиги, мустақиллиги ва ўз кучига бўлган ишончини оширишга хизмат қилмоқда.

УМР БЕКАТИ

“Сиз танқидни қандай қабул қиласиз?”

“Уч кундан буён ўғлимнинг чеҳраси очилмайди. Бир оғиз гап боламга шунчалик оғир ботишини билмаган эканман. Алам устида бирор ножўя ишга қўл урмаса эди...”

Зиёда НИШОНХЎЖАЕВА тайёрлади.



Фарзандига кўпчилик олдида қаттиқ танбеҳ берган отага шу каби ўйлар тинчлик бермайди. Инсон камчилигини бошқаларга билдирмасликка интилади. Шу боис кўпчилик олдида берилган танбеҳ ёки танқидий фикр қаттиқ таъсир қилади. Айниқса, балоғат даврида бу ҳолат оғир кечади.

Бир гуруҳ ўсмирлар билан мулоқотда бўлиб, уларга “Сиз танқидни қандай қабул қиласиз?”, деган савол билан мурожаат қилганимизда, уларнинг 80 фоизи кўпчиликнинг олдидаги салбий фикр акс таъсир кўрсатишини айтди. Қилаётган ишининг оқибатини ёлғиз ўзига, ҳаётий мисоллар ёрдамида тўғри тушунтириш натижасида берилган дўстона тушунтириш билан бола керакли хулосани чиқариб олиши аён бўлди.

— Болага танбеҳ беришдан кўра, хатосини ўзи англаб етишига имкон яратган маъқул, ***— дейди психолог Нилуфар Отажонова.*** *— “Кел, ўйлаб кўрайлик, шу иш тўғримі?”, деб у билан дилдан, илиқ суҳбатлашиш керак. Танбеҳ бола билан тарбияловчи орасида совуқ муносабат уйғотади. Кўпчиликнинг олдида дакки эшитиш болада акс ҳаракатларни намоён қилади. Танбеҳ беришдан олдин гормонал ўзгаришларни бошдан кечираётгани сабаб ўсмир ҳиссиётга берилиб, қарорни ақл билан эмас, туйғуларидан келиб чиқиб қабул қилишини унутмаслик зарур.*

— Оилада ота-онаси ҳамма шароитни яратиб берган эрка-тантиқ болаларнинг кейинчалик бебош бўлиб кетишини кўп кузатганман, ***— дейди Кўргонтепа туманидаги “Деҳқонобод” маҳалласи хотин-қизлар фаоли Манзура Турғунова.*** *— Оқибатда, бола дарсларга бормай, зарарли одатларга ружу қўяди. Онаси бундан хабар топиб, мактабига боради ва синфдошлари орасида “жонимга тегиб кетдинг, сени боқиб нима топдим”, қабилидаги гаплар билан фарзандини қойийди. Орадан кўп вақт ўтмай, шундайларнинг жиноий жавобгарликка тортилганини ҳам эшитиб қоламиз…*

Ўғли ёки қизидаги айрим ноўрин хатти-ҳаракатларни сезган ота-она унга камчилигини тушунтиришдан аввал қулай фурсат топиши зарур. Аввало, ўсмирни тинглаш, кечинмаларига қулоқ солиш зарур. Шундан кейингина уни инкор этмай, бошқа йўллар ҳам борлигини кўрсатиб бериш керак. Ёлғиз, дилдан қилинган суҳбатнинг ижобий таъсири катта. Танбеҳ ўринли бўлса, бола тушунади. Агар у ўринсиз ва кўпчиликнинг олдида айтилса, у буни кўтара олмайди.

Ўсмирлар билан суҳбатда уларнинг танбеҳни қандай қабул қилиши тарбия топган оила муҳитига ҳам боғлиқ экани аён бўлди. Нуронийлар қўлида, кичиклигидан катталарга ҳурмат руҳида тарбия топган ёшлар тушунтиришларни тўғри қабул қилса, ота-онанинг етарли эътибори ва меҳрини туймаган ёшларда бунинг аксини кўриш мумкин.

Фарзанд тарбиясида унинг ҳам алоҳида шахс экани, мустақил қарашлари, фикрлари ва ғурури борлигини унутмаслик зарур. Боланинг лаёқати ва қизиқишидан келиб чиқиб, вақтини самарали ташкил этиш, оилада намуна бўлиш кўпгина муаммоларнинг ечимидир. Қолаверса, ота-онанинг таълим муассасаси психологи билан ҳамкорлиги орқали самарали натижага эришиш мумкин.



Туризм қўмитаси, “Ҳунарманд” уюшмаси ва Бадиий академияси ҳамкорлигида ўтказилаётган “UZBEK GIFT CONTEST” танловининг иккинчи босқичига рухсат берилди.



Туркияда ўтказилаётган “Craft Istanbul 2026” халқаро ҳунармандчилик кўргазмасида 13 НАФАР ЮРТДОШИМИЗ ўз ижод намуналари билан иштирок этяпти.



ХИВА ШАҲРИДА тўртинчи Ўзбекистон — Беларусь парламентлараро форуми бўлиб ўтди.

ТАЛҚИН

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қурилиш соҳаси шиддат билан ривожланиб, янги кўп қаватли уйлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Бироқ бу жараёнда айрим “тадбиркор”лар тегишли рухсатномасиз, шаҳарсозлик тартибига амал қилмай уй тиклаш ҳолатлари ҳам учраб турарди.

ҲУЖЖАТ ҲОЗИРЛАНМАСА, КЎП ҚАВАТЛИ УЙ ҚУРИШГА РУХСАТ ЙЎҚ



Хайрулло ФАЙЗ.

“Қурилиш соҳасида давлат назорати ва бошқарувини янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун шундай ўзбошимчаликка чек қўйиш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Илгари айрим қурувчилар ҳеч қандай рухсатномасиз, лойиҳа ҳужжатлари тасдиқланмасдан туриб, “котлован” босқичидаёқ уйларни сотишни бошлаб юборишарди. Кейинчалик бундай уйлар ноқонуний, деб топилиб, қурилиши тўхтатилган ёки бузилган ҳолларда, пулини тўлаб қўйган юзлаб фуқаролар сарсон эди.

Эндиликда ҳудудий инспекциялардан рухсатнома олмай туриб, кўп квартирали уй қуриш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Бу қурувчиларни иш бошлашдан аввал барча ҳужжатларни қонуний расмийлаштиришга мажбур қилади. Аҳолининг алданиб қолиш ва пулига куйиб қолиш хавфи кескин камаяди.

Давлат рўйхатидан ўтмаган ва назоратсиз қурилган уйларда техника хавфсизлиги, чидамлилик ва сифат талабларига кўпинча риоя этилмайди. Бу эса келажакда уйнинг чўкиши, деворлар ёрилиши ёки ёнғин хавфсизлиги тизими ишламаслигига олиб келиши мумкин. Энди бинонинг илк ғишти қўйилганидан бошлаб, давлат назоратида бўлади.

Шаҳарсозлик қоидаларининг бузилиши нафақат уй эгалари, балки қурилиш майдони атрофида яшовчи кўшнилар ва қурувчиларнинг ҳам ҳаётини хавф остига қўяди. Қонундаги энг жиддий ўзгаришлардан бири — шаҳарсозлик қонунчилигини бузиш одам ўлимига ёки оғир оқибатларга сабаб бўлса, 5 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланганидир.

Ўзбошимчалик билан қурилган кўп қаватли уйлар мавжуд трансформаторлар, сув ва канализация тармоқларига ноқонуний уланиб олинарди. Натижада бутун бир маҳаллада чироқ ўчиши, сув босими камайиши кузатиларди.

Энди расмий рухсатнома фақатгина ўша ҳудуднинг инфратузилма имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда берилади. Бу эса янги уйлар атрофдаги эски хонадонларнинг коммунал шароитларига салбий таъсир кўрсатмайди.


Бир сўз билана айтганда, соҳа сохта тадбиркорлардан тозаланади. Кўп қаватли уйлардан хонадон сотиб олаётганда хавотир ва таваккалчилик камаяди.



Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусаҳҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

МУЛОҲАЗА

Пойтахт марказида қуриладиган автотураргоҳ экотизимга салбий таъсир қилади...(ми?)



Тошкент маркази — Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона ортидаги яшил ҳудудда пуллик автотураргоҳ ва мажмуа барпо этилиши ҳақидаги хабарни жамоатчилик, экологлар, фаоллар кескин эътироз, хавотир билан кутиб олди. Лойиҳанинг қоғоздаги жозибадор ваъдаларига қарамай, одамларнинг норозилигига бир нечта жиддий тизимли ва экологик сабаблар бор.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Ушбу вазиятни таҳлилий жиҳатдан бир нечта асосий қисмга ажратиш мумкин. Ҳокимлик ва инвестор дарахтлар кесилмаслиги ва қўшимча кўчатлар экилишини ваъда қилаётган бўлса-да, жамоатчилик бунга шубҳа билан қарамоқда.

— *Ушбу лойиҳа бўйича ҳали ҳеч қандай экологик экспертиза хулосаси берилмаган ва экспертизасиз ишни бошлаш мумкин эмас,* ***— дейди Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси мутахассиси Мурод Нурматов.*** *— Кутубхона ортидаги майдон — йиллар давомида шаклланган, соя-салқин берадиган кўп йиллик дарахтлардан иборат экотизимдир. Инвестор ваъда қилаётган янги кўчатлар, айниқса, республикада кўплаб янги экилган кўчатлар қуриб қолаётган бир пайтда мавжуд йирик дарахтларнинг иқлим ва кислород ишлаб чиқариш қийматини мутлақо қоплай олмайди.*

“Капитал қурилиш ман этилади”, дейилгани билан, у ерда овқатланиш шохобчалари, савдо жойлари қурилиши, плиткалар ётқизилиши ва тинимсиз автомобиллар оқими барибир тупроқ қатламини бузади, дарахтларнинг илдиз тизимини сиқиб, уларни қуритишга олиб келади.

Шу боис мавжуд яшил майдон ва дарахтларни имкон даражасида сақлаб қолиш, тўлиқ хатловдан ўтказиш ҳамда лойиҳа ҳужжатларини белгиланган тартибда экологик экспертизадан ўтказиш зарур.

Жамоатчилик ушбу ҳудуднинг инвесторга берилиб, бизнес лойиҳага айлантирилишини шаҳарликлар ҳуқуқларининг чекланиши, деб қабул қилмоқда. Тинч ҳудуд ўрнига шовқинли ва автомобиллардан чиқадиган газлар билан тўлган майдон пайдо бўлиши шаҳар марказининг қиёфасига путур етказади.

Замонавий шаҳарсозлик қоидаларига кўра, марказда йирик автотураргоҳ қуриш — тирбандликни камайтирмайди, аксинча, у ерга янада кўпроқ автомобилларни жалб қилади.

Жамоатчилик ва мутахассислар фикрича, Миллий кутубхона ҳудуди жамоат транспорти орқали жуда яхши таъминланган. Шу сабабли, бу ерда автомобиллар учун шароитни кенгайтириш эмас, балки пиёдалар ва яшил ҳудудларни сақлаб қолиш устувор бўлиши керак.

Бундай йирик ва шаҳар учун аҳамиятли лойиҳанинг жамоатчилик муҳокамасига қўйилмагани, тўғридан-тўғри тасдиқланиб, сотувга чиқариб юборилгани янада шубҳали. Аслида ҳам, инвестор киритадиган 10 миллиард сўм ёки яратиладиган 10 та иш ўрни Тошкент марказидаги ноёб яшил экотизимнинг йўқотилиши ва шаҳар марказининг янада сунъийлашиши олдида жуда арзимас баҳо, дейиш мумкин.


ҲИДОЯТ БЕКАТИ

ИЖАРАНИ УЗОҚ МУДДАТГА ТУЗИШ МУМКИНМИ?

Нодирбек ҲАМИДОВ. Сирдарё вилояти:

— Савдо-сотиқда келажакка белгиланган савдо жоиз эмаслигини ўқигандим. Бу тартиб ижара турида ҳам амалда бўладими? Масалан, дала ҳовлига буюртма беришда фалон ойнинг фалон куни, деб олдиндан келишиб, қисман пул бериб қўйилади. Бу ҳам келажакдаги муддат учун шартнома тузиш бўлиб қолмайдими?

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:



— Савдодан фарқли ўлароқ, ижарада келажакдаги муддат учун ижара шартномасини тузиш жоиздир. Бунда вақт ва нарх аниқ бўлиши лозим.

“Фатавои Оламгирия” китобида бу ҳақида тўхталиб ўтилган. Унга кўра, агар ижарани келажакдаги бир вақтга боғласа, масалан, “Бу уйимни сенга эртага ижарага бердим” ёки шунга ўхшаш сўзларни айтса, жоиз экани қайд этилган.

СИЗ БУНИ БИЛАСИЗМИ?

Нега нон қўлда ушатилади?

Ўзбек халқининг асрий қадриятлари ва турмуш тарзини белгилаб берувчи, бироқ бугунги кунда кўпчилик унутиб қўяётган шундай гўзал одатларимиз борки, улар замирида чуқур ҳурмат, оқибат ва донишмандлик ётади.



Масалан, **нонни тескари қўймаслик одати** замирида йиллар давомида синалган тажриба ётади. Биламизки, ўзбек хонадонида нон — энг муқаддас неъмат ҳисобланади. Уни дастурхонга ҳеч қачон тескари (орқа томонини юқорига қилиб) қўйилмайди. Бу — ризққа бўлган ҳурматсизлик ва бараканинг учиши белгиси, деб билинади. Шунингдек, ҳеч қачон пичоқ билан кесилмайди, доимо қўлда, синдириб ушатилади.

Меҳмонга чой қуйиб узатилаётганда, **пиёла атайлаб тўлдирилмаслиги** ҳам бежизга эмас. Чойнинг кам (яримта) қуйилиши — “Сизга ҳурматим баланд, чойингиз совиб қолмасин, иссиқлигида ичинг”, деган маънони англатади. Пиёлани тўлдириб чой узатиш эса кетишини исташга қўпол ишора ҳисобланади.

Хонадонда бирор тансиқ таом пиширилса, албатта, **ундан қўшнига чиқарилади.** Айниқса, таомнинг ҳиди қўшнининг ҳовлисига ўтган бўлса, бу ишни қилиш мажбурий одат саналган. Бу қўшничилик ришталарини мустаҳкамлашнинг энг гўзал намунасидир.

Кўча-кўйида ёки жамоат жойларида ёши катта инсон келаётган бўлса, ёшлар, албатта, тўхтаб, **қўлларини кўксига қўйганча салом беришади,** йўл бўшатишади. Бу оддий одоб қоидаси эмас, балки авлодлар ўртасидаги анъанавий ҳурмат кўпригидир.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

МАҲАЛЛАМИЗ МАШҲУРЛАРИ

Япониянинг Аичи ва Нагоя шаҳарлари мезбонлик қилаётган XX ёзги Осиё ўйинларидан бутун юртимизни хушнуд этган хушхабар келди. Бокс бўйича вазни -90 кг. бўлган терма жамоамиз аъзоси Тўрабек Ҳабибуллаев олтин медаль учун кечган шиддатли финал баҳсида хитойлик рақиби Хань Сюэчжень устидан 5:0 ҳисобида яққол ғалаба қозонди.



Шоҳсанам НАЖМИДДИНОВА.
журналист.

Иқтидорли боксчимиз Чиноз туманида туғилган. Болалиги худди тенгдошлариникидек оддий, аммо спортга бўлган чексиз иштиёқ билан ўтди. Ёшлигиданоқ маҳалладошлари орасида ўзининг чаққонлиги ва қатъиятли феъл-атвори билан ажралиб турарди. Кўчадаги болалар билан куч синашганда ҳам ҳамиша ҳаққонийликни яхши кўрарди.

Бокснинг сеҳрли оламига кириб келиши ва спортга қизиқишига оиласидаги соғлом муҳит сабаб бўлди. Тўрабекни чемпионлик сари етаклаган энг биринчи инсон ва унга чарм қўлқоп кийдириб, бокс сир-асрорларини ўргатган биринчи устози — тажрибали мураббий Пўлат Шаҳбозов бўлади.

Айнан шу инсон Тўрабекдаги туғма иқтидорни пайқаб, унга тўғри йўналиш берди, ҳамиша руҳий далда бўлди. Илк машғулотларданоқ тинимсиз меҳнат қилган ёш спортчи кейинчалик Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийлари эътиборига тушди. Мана, бугун устознинг берган сабоқлари ва Тўрабекнинг тинимсиз тер тўкишлари натижасида у ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, катталар ўртасида жаҳон ва Осиё чемпиони даражасигача кўтарилди!

— Тўрабек чин маънода ёшларга ўрнак ва намуна, ***— дейди “Соҳибкор” маҳалласи раиси Умар Йўлдошев.*** *— Унинг рингга чиқишини катта экран қаршисида маҳалла аҳли бир тан, бир жон бўлиб, дуолар билан кузатиб турдик. Хитойлик рақиби устидан қозонган ишончли галабаси ва Нагояда юртимиз байрогини баланд кўтариб, мадҳиямизни янгратгани қалбларимизни чексиз гурурга тўлдирди.*

Болалигидан ўзининг меҳнатсеварлиги, катталарга ҳурмати ва қатъий интизоми билан алоҳида ажралиб турарди. Биринчи устози Пўлат Шаҳбозов билан маҳалламиз спорт залида илк бор чарм қўлқоп кийиб, машқ қилган кунлари кечагидек ёдимизда. Мана, тинимсиз меҳнат ва устоз ўгитлари йигитни шу даражага олиб чиқди!

Дарҳақиқат, бугун у Ўзбекистон ёшларига ҳақиқий ўрнак бўла олди. Эришилган натижа — кўпнинг дуоси, устозлари меҳнати ва ота-она тарбиясининг гўзал мевасидир. Шубҳасиз, ғолиб йигитимиз шарафига баланд кўтарилган Ватанимиз байроғи юртимиз ёшларининг қалбида спортга ва юртга бўлган муҳаббатни янада оловлантирди.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар: Лазиз Мейликов, Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.

Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.

Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами: А2, 4 б.т.

8 309 нусхада чоп этилди.

Буюртма №: Г-920